

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
вазирлиги
Термиз давлат университети
Ижтимоий иқтисодий факультети
Иқтисодиёт назарияси кафедраси**

**Б И Т И Р У В
М А Л А К А В И Й
И Ш И**

**Мавзу: “Касб-ҳунар таълимида ёш
педагогларнинг касбий салоҳиятларини
такомиллаштириш йўллари”**

Бажарди: 5111000-касб таълими: иқтисодиёт таълим
йўналиши 4 -курс 405 гуруҳ талабаси

Бабажанов Ғиёс Баҳромович

Илмий раҳбар:

и.ф.н. Ў.Ражабов

Термиз – 2017 йил

Мундарижа:

Кириш	3-5
1-боб. Ёш педагогларнинг касбий салоҳиятини шакллантириш масалалари, унда Шарқ ва Ғарб алломаларининг ўғитлари	6-29
1.1. Шарқ ва Ғарб алломаларининг касбий-педагогик ахлоқ ҳақидаги қарашлари.....	6-16
1.2. Педагоглик касбининг хусусиятлари, унинг умумий ва касбий маданияти	16-26
1.3. Касб-ҳунар таълимида ёш педагогларнинг шаклланиши ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни.....	26-29
2-БОБ.Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида ўқитувчилик касбига қўйиладиган талаблар	30-59
2.1. Ўқитувчи шахсининг ривожланишида унга қўйиладиган талаблар...	30-40
2.2.Касб-ҳунар таълимида ёш педагогларда муомала одобини шакллантиришнинг назарий талқини.....	41-52
2.3. Касб-ҳунар коллежларида ёш педагогларнинг касбий салоҳиятини такомиллаштириш масалалари.....	52-59
Хулоса ва таклифлар	60-61
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62-63

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги: Замонавий таълимнинг мақсади ва моҳияти таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир. Дунёга янги кўз билан қарайдиган, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи, буюк келажагимиз пойдеворини қурувчи ва юксалтирувчи мутахассис кадрларни тайёрлаш, Республикамиз педагоглари олдида турган энг муҳим ва масъулиятли вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимиз келажаги учун стратегик аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.¹

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини ХХІ аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган баркамол шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида, қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгилаб олинди:

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.-Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –Б.44.

Тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув услубий адабиётларни такомиллаштириш;

Таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

Илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилияли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Педагогик ихтисослигини танлаган ҳар бир инсон кимларни ўқитаётгани ва тарбиялаётганлиги учун ўзига катта масъулият ва жавобгарликни олади. У ўзининг касбий тайёргарлигига жавоб бериши билан бирга, педагог, ўқитувчи, тарбиячи, муаллим сифатида ўз зиммасига кўплаб мажбуриятларни олиши зарур.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Касб-хунар таълимини ислоҳ қилишда ёш педагогларнинг касбий салоҳиятларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш манбаларини илмий – назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

❖ Шарқ ва Ғарб алломаларининг касбий-педагогик ахлоқ ҳақидаги

- қарашларини ўрганиш;
- ❖ педагогик касбининг хусусиятлари, унинг умумий ва касбий маданиятини умумлаштириш;
 - ❖ касб-ҳунар таълимида ёш педагогларнинг шаклланиши ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини аниқлаш;
 - ❖ ўқитувчи шахсининг ривожланишида унга қўйиладиган талабларни аниқлаш;
 - ❖ касб-ҳунар таълимида ёш педагогларда муомала одобини шакллантиришнинг назарий талқинини ифодалаш;
 - ❖ касб-ҳунар коллежларида ёш педагогларнинг касбий салоҳиятини такомиллаштириш масалаларини назарий баён этиш.

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида касб-ҳунар таълимида фаолият кўрсатаётган таълим муассасалари танланди.

Битирув малакавий ишининг предмети иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида касб-ҳунар коллежлари ёш педагог ходимлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг методологик асослари: “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳамда “Касб таълими методикаси” фанига оид дарслик ва қўлланмалар.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши: Кириш, 2 боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-боб. Ёш педагогларнинг касбий салоҳиятини шакллантириш масалалари, унда Шарқ ва Ғарб алломаларининг ўғитлари

1.1 Шарқ ва Ғарб алломаларининг касбий-педагогик ахлоқ ҳақидаги қарашлари

Эрамиздан олдинги олтинчи асрдан милодий бешинчи асргача ўтган даврда Юнонистондаги қулдорлик давлатлари ва Рим империясида бир қадар демократик тартиблар, республика бошқаруви ўрнатилди. Бу ерда ўзига хос таълим-тарбия тизимлари ва педагогик таълимотлар яратилди. Юнонистонлик олимлар Демокрит, Сукрот, Афлотун, Арасту, шунингдек машҳур Рим педагоги Квинтилианлар ўз асарларида таълим-тарбия, ўқитувчи ахлокига доир педагогик назариялар яратдилар.

Масалан, Демокрит тарбиянинг табиатга мослиги ғоясини ўртага қўйган. Ўқитиш жараёнида болаларнинг қизиқувчанлигини ҳисобга олиш зарурлигини уқтирган. Таълимнинг киши табиатини ўзгартирувчи қудратли куч эканлигини, ўқитишда мажбурлаш усулидан кўра, ишонтириш усулидан фойдаланиш афзаллигини, салбий намуналарнинг зарурлигини таъкидлаган эди. У тарбияда меҳнатнинг роли муҳимлигини кўрсатиб педагоглар, ота-оналар болада яхши хулқ хосил қилиш учун уларга фойдали хатти-ҳаракатларни кўпроқ машқ қилдиришлари лозим, деган эди.

Афлотун бола тарбиячига итоат қилиши зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради. У болани муттасил назорат қилиб бориш; унинг яхши хулқи, итоаткорлигини рағбатлантириш, итоатсизлик қилса кўрқитиш ва уриб бўлса ҳам тўғри йўлга солиш лозимлигини таъкидлайди. «Агар педагог ёки ота-она, -деган эди у-болага: мана бу -адолатли, бу эса — адолатсиз, бу ишни қилиш яхши, бу эса — уят, бу нарса — муқаддас, бу эса — нопоклик; бу ишни қилиш керак, буни қилмаслик лозим, деб айтмаса ва тушунтириб бермаса

болани тарбиялай олмайди».² каби педагогик ғоялар ёшларни ахлоқий тарбиялаш нуқтаи назардан ҳамон ўз қимматини йўқотмаган.

Рим педагогларидан энг машхури — Марк, Фабий, Квинтилиан «Нотикни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида педагогик муаммоларни, ўқитувчи одобига доир масалаларни баён этади. Квинтилиан ўз замонидаги Грек ва Рим педагогик ғояларини яхши ўрганиб, нотикдар мактабида кўп йиллар ўқитувчилик қилиб орттирган тажрибасини умумлаштиради. Унинг фикрича, бола мактабда таълим-тарбия олиши лозим. Ўқитувчи ўзи тарбиялаётган хар бир болага эҳтиёткорлик билан муомала қилиши керак. Ўқитувчининг ўзи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини яхши тута билиши, болаларни бўлар-бўлмасга мактайвермаслиги ёки жазолайвермаслиги даркор. Юқори тоифадаги ўқитувчи аввало, бошланғич мактабда муаллимлик қилиши мақсадга мувофик. Муаллим ва тарбиячиларнинг талаффузи яхши бўлиши керак.

Ўқитувчи одобининг мохияти ҳақида гап борар экан, қадимги Юнонистон ва Рим педагогларининг юқорида келтирилган ғояларини тилга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Чунки, Ўрта Осиёда яшаган мутафаккирлар Хиндистон, Хитой каби шарқ мамлакатлари маданияти, илм-фани, тарбияшунослиги билан бир қаторда қадимги Юнонистон, Рим маданияти, фалсафаси, педагогикасига ҳам эътибор берганлар. Жаҳон алломаларининг илмий алоқалари, маърифатпарварлик, педагогик ахлоқий таълимотлари Ўрта Осиёда тарбияшунослик соҳасидаги фикрлар тараққиётининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ислон таълимоти ўтмишда яратилган барча илохий илмларни, инсоний тажриба ва фазилатларни умуминсоний қадрият сифатида ўзида жамлади. Куръони карим ва Хадисларда баён этилган ахлоқий ғоялар инсоният маданияти хазинасига қўшилган улкан хисса эканлиги жаҳон микёсида аллақачон тан олинган. Куръон — фалсафий, ҳуқуқий билимлар мажмуигина

² Арастуниинг «Искандарга насихати» «Ўзбек педагогикаси антологияси». Тошкент, «Ўқитувчи», 1995, 39—46- б.

бўлиб колмай, кишиларни халоллик, поклик, ахлоқ-одоб, инсоф-диёнатга даъват этувчи мукаддас китоб сифатида қадрлидир. Куръон сураларида эзгуликка, халолликка, покликка даъват этилади. Бунга амал қилганларга жаннат хўзур-халовати ваъда қилинади. Ёвўзлик қилганлар учун дўзах азоби мукаррарлиги эслатилади.

Сахобаларнинг Расулulloх маъқуллаган сўзлари ва хатти-ҳаракатларига тақрир дейилади. Улар шариат аҳкомларига мос келади.

Хадисларда одамлар амал қилиши лозим бўлган шаръий талаблар баён этилган. Улар инсоннинг маънавий ва ахлоқий камолотига асос бўлади. Хадисларда ахлоқий йўл-йўриқлар талқин этилади, инсон шаънига доғ туширадиган иллатлар қораланади. Илм эгаллаш, халоллик, тўғрисиўзлик, адолатлилик, меҳр-окибат, ота-онани ҳурмат қилиш, етимларга, камбагалларга ғамхўрлик, сахийлик, поклик, омонатга хиёнат қилмаслик, диёнат каби ахлоқий сифатлар улуғланади. Масалан, Хадиси Шарифда илм тўғрисида бундай дейилган: “Илм эгалланг. Илм сахрода дўст, ҳаёт йўлларида — таянч, елгизлик дамларида — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, кайғули дамларда” — мадаккор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда куролдир. Мўминларнинг афзали хулк-атвори яхшиларидур. Садаканинг афзали мўмин киши илм ўрганиб сўнг бошқа мўмин биродарларига ўргатишидир. Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланглар». Шунингдек, Хадисларда ёмон хулк, кибр-хаво, адоват, хасад, хиёнат, ёлгончилик, мунофиқлик, порахўрлик, бўзуклик каби иллатлар қораланади.

Ўрта Осиё мамлакатларида Ислom дини қабул қилингандан сўнг минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида шу таълимот таъсирида тарбияшунослик илми шаклланди ва ривожланди. Маълумки, Ислom динида ҳар бир мусулмондан аввало, иймонли бўлиш талаб этилади. Иймон деганда Аллохнинг бирлигига, Муҳаммад Пайгамбаримиз Аллохнинг элчиси эканлигига тил ва дил билан ишонишни назарда тутилади. Бу қоида

мусулмон мактабларининг муаллимларига қўйиладиган ахлоқий талаблардан энг биринчиси ва муҳимидир. Шу билан бирга Ўрта Осиёда яшаган алломалар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, шунингдек, ўқитувчилик одобига доир таълимотларни ҳам яратганлар. Жумладан, Абу Наср ал-Форобий (873—930) ўз асарларида ҳар бир киши муносиб фуқаро бўлиши учун муайян даражада таълим ва тарбия олиши лозим деб ҳисоблайди. Устоз шогирдига зуғум қилишга, шунингдек, кўп ҳолларда ён беришга интизмаслиги даркор. Чунки ортиқчи зуғум шогирдда устозга нисбатан нафрат уйғотади. Агарда шогирд устознинг кўнгли юмшоқлигини пайқаб қолса, бу ҳол устозни менсимасликка, охир-оқибатда у берадиган билимдан совиб кетишга олиб келади.

Форобийнинг таъкидлашича, ҳар бир кишининг феъл-атвориға қараб тарбия икки хил усул ихтиёрий ва мажбурий усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Тарбияланувчилар фан ва ҳунар ўрганишга мойиллик билдирмасалар, уларга нисбатан рағбатлантириш усули қўлланилади; аксинча, мабодо улар ўзбошимча ва итоатсиз бўлсалар, мажбурий усулни қўллаш мумкин.

Мусулмон мактабида ишлайдиган кишилардан зийрак, ақлли ва ахлоқли одам бўлиши талаб этилган. Халқ ақлли кишиларни доно деб атайди. Форобийнинг кўрсатишича, ақлли киши ўткир зехн-идроқли, фазилатли бўлиши, ўзининг қобилияти ва идроқини яхши ишларга йўналтириши, ёмон ишлардан ўзини сақлаши лозим. Форобий «Ақл тўғрисида» номли рисоласида ахлоқли одам ўзида ўн икки хислатни бирлаштирган бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, одамда барча аъзолар мукамал тараққий этган бўлиши даркор. Барча масалалар мохиятини тўғри тушуна оладиган, хотираси бақувват, зехни ўткир, сўзлари аниқ, фикрни равон баён этадиган, ҳақиқатпарвар, ватанпарвар, ғурур ва виждонини қадрлайдиган, мол-дунёга муккасидан кетмаган, саҳоватпеша кишилар ахлоқли одам

хисобланади. Форобий таълим берувчилар ўз билимлари ва ахлоқий даражалари жиҳатидан ўзаро фарк қиладилар, дейди.

Абу Али ибн Сино (980—1037)нинг фикрича, тарбия ягона жараён. Бу жараёнда ёшларга ақлий, жисмоний, ахлоқий тарбия бериш ва хунар ўргатиш назарда тутилади. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида болани олти ёшдан бошлаб муаллимга топшириш хусусида фикр юритади. Улуғ ҳаким таълим жараёнида ўқитишда оддийдан мураккабга қараб бориш қоида-сига амал қилиш лозимлигини уқтиради. Айниқса, болага кучи етадиган машқларни бажартириш амали бу жараёнда катта аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Ибн Сино болаларни якка-якка ўқитишдан кўра жамоада таълим бериш афзал эканлигини эътироф этади. У жамоада ўқитилганда болада илмга интилувчанлик кучайишини далиллар орқали исботлайди. Унинг фикрича жамоада бошқалардан орқада қолишга боланинг ғурури йўл қўймайди; бирга ўқиганда болалар бир-бирлари билан гаплашиб нутқи ўсади, хотираси мустаҳкамланади; таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан инноклашади, бир-бирларини ҳурмат қилишга одатланади, мунозара қилишни ўрганади, ўзаро мусобакалашишади, ўзларининг хулқ ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Бу эса болаларнинг хулқини яхшилашга, ахлоқ нормаларини эгаллаб олишларига кўмаклашади.

Алишер Навоий (1441—1501) ўзбек адабиётининг асосчисидир. Шу билан бирга у тарбияшунос ҳамдир. А. Навоий «Махбуб-ул-кулуб» асарида касб ахлоқи, турли гуруҳ кишиларининг одоби масаласини мақолатлар шаклида ифода этади. У таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини, ахлоқ-одоб талабларини кўрсатади. Таълимда илмийлик, асосланганлик, тарихийлик каби тамойилларни асос қилиб олади.

Ўқитувчи одоби ва муаллимлик касби, мударрислар, мактабдорлар тўғрисида гапирар экан, муаллим ўз шогирдларини севиши зарур, дейди.

Ўзига ҳам, ўқувчига ҳам талабчан бўлиши лозимлиги уқтирилади. Ўқитувчини жамиятда обрўли ва ҳурматга лойик инсондир, деб ҳисоблайди. Шогирдлар муаллимни ҳурмат қилишлари, эъзозлашлари зарурлигини уқтиради.

Алишер Навоий ўз замонасидаги мактабдорлар ҳақида гапириб, улар болаларга жафо қилиш, азоб бериш, калтаклашга ўрганиб қолишганини танқид қилади. Улар сабабсиз аччикланишга одатланишган. Муаллимлардаги бу иллатлар тарбия жараёнининг қийинчиликларидан, болаларнинг табиати, феъл-атвори, фахм-фаросати турли-туманлиги таъсирида вужудга келади, деб ҳисоблайди.

Навоийнинг фикрича, гоҳида бир киши битта болага тарбия беришга ожизлик қилади, муаллим эса бир гуруҳ болаларга илму адаб ўргатади. Бу жараёнда муаллим кўп азият чекади, машаққатларни ўз бошидан кечиради. Шу боис шогирдлар устоз олдида умрбод қарздор эканликларини хис этишлари даркор. Шогирд подшоҳлик мартабасига эришса ҳам муаллимга куллуқ қилса арзийди:

Ҳақ йўлида ким санга бир харф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг хакин юз ганж ила.

Навоийнинг «Махбуб-ул-кулуб» асарида ўқитувчи одобига доир кўйидаги мулоҳазалар баён этилган:

- мударрис ота-онасининг мансаби, бойлигига қараб болага муомала қилмаслиги лозим;
- муаллим болаларга биладиган нарсаларини ўргатиши, билмаган илмларини ўргатишга ўринмаслиги керак;
- гердайиш, манманлик, таъмагирлик, нодонлик каби иллатлар ўқитувчи ахлоқига ёт сифатлардир;
- муаллим ярамас ишлардан, нопокликдан йироқ бўлиши керак;
- халқ назарида олим ҳисобланадиган мударрислар ёмон ишлардан, фиску фасоддан ўзларини тия билишлари зарур.

Шу ўринда педагогика илмининг ривожланишида Абдулкосим Фирдавсий номи жаҳонга машхур. Унинг Европа китобхоналари қалбини мафтун этганига ҳам икки аср булди. Шарқда эса у минг йилдан бери кишилар завк-шавкини қзгаб, фикру-уйи, орзу-умидларига мадад бериб келмоқда. Шоирга боқий умр, номига безоволлик бахш этган асар унинг биргина достонидур. Бу асар "Шохнома" - "Шохлар китоби" деб аталади. Ривоятларга кура, у ўз асари устида 30-35 йил меҳнат қилган. Бу азим достон 60 000 байтдан иборатдир. Бу асар ёзилган вақтдан бошлабоқ китобхон томонидан "Шохлар хақидаги китоб" сифатида эмас, балки халқнинг орзу-умидлари, унинг идеали хақидаги "Шох китоб" сифатида қабул қилди.

"Шохнома" истиқболга интилган асар. Уни ўқиган кишида одамзод ёмонлик, қоронғулик, зулмат панжасида ўзоқ қолмаслигига, инсон ақл-заковати галаба қилишга ишонч хисси уйғонади.

Муаллифларнинг маълумотларини караганда "Шохнома" ахлоқий-таълимий, табиявий аҳамиятга эга асарлардан биттасидир. Уни ўқиган инсон ўзини бошқа бир дунёда тасаввур қилади. "Шохнома" ўз ўқувчиларини ҳақсевар, одоб-ахлоқ юзасидан баркамол инсон, гўзал ҳулқи, нафис табиат эгаси қилиб вояга етказишга ҳуқуқли, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги мустақил юритимиз ёшлари, келажаклари учун таълим масканларида шундай мақсадга мувофиқ асарлардан фойдаланиш даркор. Уларни ҳам Фирдавсий боғидан баҳра олишга ундаш лозимдир.

Ғарб алломаларидан Чех педагоги Ян Амос Коменский (1592—1670) нинг асарларида ўз даврининг илғор ғоялари акс этади, Коменский ўқитувчиликни ер юзидаги ҳар қандай касбдан кўра юқорироқ даражада турадиган фахрли касб ҳисоблайди. Коменский бир томондан, аҳолининг ўқитувчига ҳурмат билан қараши лозимлигини талаб қилади, иккинчи томондан эса, ўқитувчининг ўзи ҳам жамиятда қандай муҳим вазифани бажараётганини тушуниб олиши ва ўз кадр-қимматини яхши билиб олиши лозимлигини уқтириб ўтади. Унинг фикрича, ўқитувчи соф виждонли,

ишчан, саботли, ўқувчиларга ўзи сингдириши лозим бўлган фазилатларнинг жонли намунаси бўлиши, кенг маълумотли ва меҳнатсевар киши бўлиши шарт. Ўқитувчи ўз ишини беҳад севиши, ўқувчиларга бамисоли оталардек муомала қилиши, уларда билимга хавас туғдириши зарур. Ўзи намуна кўрсатиб, ўқувчиларни ўзига эргаштириш ўқитувчининг энг биринчи вазифасидир. Коменский диндорлик ўқитувчининг энг муҳим фазилатларидан биридир, деб ҳисоблайди. Шунингдек, И.Г.Песталоцци Швейцарияда Цюрихда, врач оиласида туғилди. Песталоццининг отаси у кичиклигида ўлган эди, шунинг учун ҳам уни онаси ҳамда оддий дехкон аёл уларнинг собик хизматчиси тарбиялаб ўстирди. Песталоцци ўрта мактабни тамомлади. Кўпроқ гуманитар фанлар ўқитиладиган олий ўқув юртига - коллегияга, унинг филология ва фалсафа бўлимларига кириб ўқиди.

У 1974 йилда "Найгофда" "Қамбағаллар муассаси очиб етим ва боқимсиз болалардан 50 га яқин кишини муассасага тўплади. Песталоццининг фикрича, болаларнинг ўзлари ишлаб топган пуллари шу етимхонанинг харажатини коплаши керак эди. Етимхонада тарбияланаётган болалар далада ишлар, шунингдек, тўқув ва йигирув дастгоҳларида ип йигриб, мато тўқир эдилар. Песталоццининг ўзи болаларга ўқиш ёзиш ва ҳисоб ўргатар, уларни тарбиялаш билан шуғулланар эди. Хунарманд усталар эса болаларга ип йигириш ва тўқишни ўргатардилар. Шу тариқка Песталоцци ўз муассасасида болаларни ўқитишни уларни унумли меҳнатга ўргатиш билан қўшиб олиб боришга ўринди.

Песталоццининг фикрича, тарбиянинг мақсади одамнинг барча табиий кучларини ва қобилиятларини ўстириш, ўстирганда ҳам хар томонлама ва бир-бирига уйғун равишда ўстиришдир. Тарбиянинг болага кўрсатаётган таъсири, унинг табиатига уйғун бўлиш лозим.

Песталоцци тарбиянинг моҳияти тўғрисидаги тасаввурига асосланиб, тарбиянинг янги методларини - инсоннинг кучини, инсон табиати билан

мувофиклаштириб, ўстиришга ёрдам берадиган методларни яратишга интилади.

Болани тарбиялашни - дейди у унинг туғилган куниданок бошлаш лозим.

Бола туғилган соат-унга таълим беришнинг биринчи соатидир. Шу сабабли чинакам педагогика онани туғри тарбиялаш методлари билан қуроллантириш керак.

Педагогика санъати эса шу методикани ҳар бир она жумладан оддий дехкон аёл ҳам эгаллаб оладиган қилиб, содалаштириб бериш лозим. Оилада табиатга мувофик қилиб бошланган тарбия мактабда ҳам давом этирилиши лозим.

Барча ижтимоий кучлар ва имкониятлар энг оддий нарсалардан ривожлана бошлайди ва секин аста мураккаброк даражага кўтарила беради. Тарбия ҳам ана шу йўлдан бориши лозим.

Ҳар бир болага хос бўлган туғма куч ва қобилиятлар куртакларини табиий тартибга мувофик одам камолотининг адабий ва ўзгармас қонунларига мувофик ҳолда мунтазамлик билан машқ қилдириб, ўстириш керак. Песталоцци зерикарли ва бир хилдаги машқлар филдириш билан болаларда кўзатиш нарса ёки ходисанинг белгиларини аниқлай олиш малакасини ҳосил қилишга интилди.

Болаларга ёзув малакасини ҳосил қилмоқ учун Песталоцци ёзув ўргатишни нарсаларни ўлчаш ва суратини чизиш билан шунингдек, нутқни ўстириш билан боғлаб олиб боришни таклиф қилди.

Шарқ алломаларидан Беруний бошланғич таълимни қишлоқдаги мактабда олган, сўнгра йирик мунажжим ва математик Абу Наср ибн Ирок таълим-тарбиясида улғайган. У 17 ёшда ёш мунажжим олим сифатида танилди. Беруний Хоразм, форс, араб, юнон ва яхудий тилларини пухта ўрганган. Журжон хокими Кобус ибн Вишмигир саройида илмий ижод қилиш учун қулай шароитга эга бўлиб, ёшлигида тўплаган материаллари асосида китоб

ёза бошлади. 1000 йилда эса Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли китобни ёзиб тугатади 1004 чи йилнинг бошларида Беруний Маъмун 2 томонидан Хоразмга чақириб олинади ва саройда шонинг яқин маслахатчиси сифатида кўрсатади. Беруний арабча шерлар ёзади. Беруний "Ўтмиш ёдгорликлари", "Хоразмнинг машхур одамлари", "Геодеазия", "Минералогия", "Хиндистон", "Фармокология", "Конуни Маъсудий" ва бошқа асарларни яратган. 1016 йилда "Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли" деган китобни ёзиб тугатди. "Маъмун академия"си Беруний учун фан чўққиларини забт этишга ёрдам берди. Беруний энг сўнгги нафасигача дунё сирларини очиш билан бирга инсоният яратган билимларни ўрганиш, умумлаштириш ва баён этишга ўз умрини сарфлаган.

Унинг таълим-тарбия тўғрисида баён қилинган фикрлари Ўрта Осиё халқларининг педагогика фанига оид фикрлар тарихини ўрганишда юксак аҳамиятга эгадир. Буюк аллома Беруний асарларининг мазкур ва моҳиятидан, унинг таълим-тарбия тўғрисидаги олам шумул фикрлари маданият ва тарих хазинасига битмас туганмас хисса бўлиб қўшилган. Шундай қилиб, буюк олим Берунийнинг илмий мероси табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий қарашлари жамият ва инсон ҳақидаги қимматли, фикрлари меҳнатқашларнинг, ўқувчи ёшларнинг илмий дунёқарашини бойитиш ва кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Беруний жамиятда, ижтимоий турмушда адолат масаласига катта аҳамият беради. Жамиятдаги жуда кўп муассаса, ташкилотлар Беруний фикрича, зарурий эҳтиёжлар орасида келиб чиққан бўлиб, одамларнинг ўзаро келишувларининг ҳосиласидир. Олим пулнинг пайдо бўлишини шаҳар, хунармандчиликни вужудга келиши, меҳнат ва меҳнат маҳсулотларини тақсимланиш каби масалалар инсон ақл заковатига, унинг машғулоти турига, касбкорига асосланганлигини таъкидлайди. Беруний учун инсондан шарафлироқ ва қимматлироқ нарса йўқ. У кишиларнинг кундалик турмушдаги юриш туришлари, ўзларининг тутиши, одамларнинг сўзи, қалби,

кийим, бажарган меҳнати ҳамма-ҳаммасига гўзал бўлишини талаб этган. Берунининг мақсади инсон қиёфаси, унинг юриш туриши, хатти-ҳаракати, ўз ифодаси билан юзага келишини такрор айтиб, ўқувчига гўзаллик конунини етказди. Беруний табиий гўзаллик билан бирга инсон ахлоқида феъл-атворида гўзаллик борлигини тушинади ҳамда биринчидан иккинчисининг туб фарқини кўради. Улуғ олим ва педагог А.Р.Беруний ўзининг буюк хизматлари билан ўзбек халқинингина эмас, балки бутун Ўрта осие халқларининг фахри, бутун жаҳон илғор кишиларининг ифтихори сифатида яшаб келди ва яшамокда.

Ушбулардан кўринадики, Шарқ ва Ғарб алломаларининг ахлоқ одоб ва педагогик назарияларнинг вужудга келишида ва ривожланишида хиссалари жудда катта бўлган ва шу кунгача ўз кадрини йўқотмай келаяпти.

1.2. Педагоглик касбининг хусусиятлари, унинг умумий ва касбий маданияти

Педагоглик фаолияти энг буюк ва шарафли йўл бўлиб, жамиятдаги функциялари бўйича ва касбий сифат хусусиятларига қараб ҳамда психологик томонлари бўйича ёзувчи, артист ва олимлар томонига яқин. Педагог меҳнатининг хусусиятлари табиатнинг энг буюк инъоми бўлган инсонни ўқитиш ва тарбиялаш учун мўлжалланган:

1. Педагогнинг меҳнат фаолияти ўсиб келаётган ёшларнинг инсоний хусусиятларини шакллантиришдан иборат.

2. Педагог фаолиятидаги меҳнатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат предмети бўлиб ҳазрати инсон ҳисобланади.

3. Педагогик меҳнат унга ҳар томонлама таъсир этувчи омилларни бошқарувчи шахсга бўлган таъсиридан иборат.

Бу меҳнатда талабага таъсир этувчи қурол бўлиб ўқитувчининг шахсининг билимлари, маҳорати, сезгирлиги ва эркинлиги ҳисобланади. Педагогик жараённинг мақсади, нафақат талабани тарбиялаш, ўқитишни

ташкил дан иборат бўлмай, унинг ўқитиш услубларини ва улардаги барча муносабатлар тизимини аниқлашдан иборат.

Педагогик меҳнатнинг буюк хусусияти шундан иборатки, унда меҳнат бошдан-оёқ инсонлар орасидаги ўзаро таъсир жараёнидан иборат. Унда предмет инсон, меҳнат курали инсон, меҳнат маҳсули ҳам инсон яъни педагогик меҳнатнинг мақсади, масаласи, ўқитиш ва тарбия услублари шахсий муносабатлар шаклида амалга оширилади. Педагогик меҳнатнинг бу хусусияти одоб, ахлоқ, ҳуққ каби томонларнинг юқориликларини таъминлайди.

Педагогнинг фаолияти ҳар доим юқори баҳоланган. Қадимги юнон файласуфи Афлотун агар касиб ёмон уста бўлса, бундан давлат жуда катта нарса йўқотмайди - фақат халқ ёмонроқ кийинади, ҳолос, аммо агар ёшлар тарбиячиси ўз вазифаларини ёмон бажарса, у ҳолда мамлакатда нодон, жоҳил, билимсиз ва аҳмоқлар тоифаси вужудга келади, деган.

XVII асрда яшаган илмий педагогиканинг асосчиларидан бири - Ян Амос Коменский «ўқитувчиларга қуёш остидаги энг юқори вазифа юклатилган», деган эди.

Маданият атамаси лотинча бўлиб, у тупроқни ишлаш маъносини берган бўлса, ҳозирги вақтда эса, умумий ҳолда инсон маданиятни жамиятни қайта қуриш фаолияти ва унинг натижасидир, деб тушунилади. Моддий ва руҳий маданият жамият ҳаёти тавсифининг катта қисмидан иборат. Инсоннинг ўзи эса йўлни ўзлаштириб, мазкур жамиятнинг ўзига хос бўлган бойликлари, анъаналари ва маданиятининг усуллари ҳамда кўникмаларини ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Шундай қилиб, инсон умум инсоний маданиятнинг вакили ва тақдим этувчисидан иборат.

Фанда маданият моҳиятига уч хил қараш тушунилади: аксиологик, фаолиятли ва шахсий. Аксиологик қарашда педагогика ва тарбиядаги йўналишлар кўриб чиқилади. Фаолиятли қараш педагогик методлар ва воситалар моҳиятини амалга оширишни тадбиқ этиш имконини беради. Индивидуал-шахсий режада ўқитувчининг педагогик маданияти унинг

касбий фаолиятидаги тавсифининг моҳиятидан иборат, деб тушунилади. Бундай қараш ўқитувчини умуминсоний маданият ва педагогик бойликларни, у орқали тарбия ва таълимнинг маданий бойликларини бир авлоддан иккинчи авлодга ташувчи вакили сифатидаги шахс, деб қараш имконини беради. Педагогик маданият умуминсоний каби, моддий ва маънавий шаклларда мавжуд бўлади. Педагогик билимлар, назариялар, концепциялар, инсоният ва буюк алломалар томонидан тўпланган педагогик тажриба ҳамда касбий-этикавий нормалар-меъёрларнинг барчаси педагогик маданиятнинг маънавий-руҳий бойлигини ташкил этади. Педагогик маданиятнинг моддий бойлиги ўқитиш ва тарбия воситаларидир.

Ёш педагогнинг умумий маданияти унинг ижтимоий-аҳамиятли тавсифларининг касбий фаолиятда амалга ошгандаги етуқлигини ифодалайди. Маданият шахснинг ривожланиши, унинг руҳий кучлари ва қобилиятларининг амалий фаолиятида амалга ошиш даражаси ва ҳоказо. Инсоннинг маданий ривожланиши - бу унинг билимлари, ишончлари, қобилиятлари, ҳуққининг муҳит томонидан ривожланиш жараёнидир.

Ёш педагогнинг касбий маданияти унинг касбий фаолият доирасидаги, унинг шахсий сифати тавсифининг моҳияти-тизимли таълимидан иборат.

Ўқитувчининг педагогик маданияти ташкил топган кўрсаткичлар даражасига ва асосий тизимли компонентларига қуйидагилар киради:

А) интеллектуал ривожланиш даражаси (энг аввало, педагогик тафаккурнинг ривожланиши);

Б) педагогик фаолиятнинг ҳар томонлама ташкил топиши ва даражаси;

В) асосий касбий педагогик этика, маънавий характер ва одоб маданияти;

Г) ўзаро муносабат маданияти;

Д) сўзлашув маданияти;

Е) ташқи кўриниш маданияти ва бошқалар.

Педагогик фикрлаш маданиятига педагогик таҳлил ва синтез қобилиятининг ривожланиши, фикрлашдаги танқидий кураш, мустақиллик, кенглик, эпчиллик, фаоллик, тезлик, кўзатувчанликнинг ривожланиши, педагогик хотира ва бошқалар киради.

Педагогик фикрлаш маданияти бўлган ўқитувчи тафаккури - дунёқарашининг уч босқичини ўз ичига олади: биринчиси методологик дунёқарашдаги педагогик ишончлар. Методологик тафаккур ўқитувчига ўзининг касбий фаолиятига тўғри қарай олишига, гуманистик стратегияни ишлаб чиқишига имкон яратади.

Педагогик тафаккурнинг иккинчи босқичи-тактикавий дунёқараш бўлиб, у ўқитувчига педагогик фикрлаш, педагогик жараённинг моддийлашувига имкон яратади.

Учинчи босқичи умумий педагогик қонуниятларни, реал педагогик фаолиятнинг улкан ҳодисаси бўлиб ҳисобланган бўлим-бўлимларга тадбиқ да намоён бўлади. Бу тезкор фикрлашдир.

Бўлажак ўқитувчининг педагогик маданият тўзилмасида унинг одоб-ахлоқ бўлими муҳим ўрин эгаллайди. Бу педагогик ишонч жараённинг шаклланиши, натижаси ва ўқитувчининг ўз қизиқишларини аниқлаш жараёнидир. Ўқитувчи, касбий муҳитдан релоксин жараёнга, ўзининг тутган ўрнини янгилашга фаол кириб бориши зарур. Педагогик маданиятнинг касбий фаолиятига боғлиқ ташкил этувчиси педагог томонидан ўзининг педагогик қобилиятларининг барча спектрини билиб олганлигини характерлайди, бу эса педагогик фаолият муваффақиятининг нишонаси, педагогик хатоларнинг олдини олиш ва ниҳоят, педагогик қобилият усулларини эгалланганлигидан иборат. Маънавий маданият етук билимларнинг назарий даражаси ҳолатида шаклланувчи ахлоқий билимни ўз ичига олади. Бу касбий педагогик этикадан иборат.

Педагогик алоқа маданияти суҳбатдошни эшитиш ва эшита олишда, саволлар бера олишда, алоқани амалга ошириб бошқани тушуна олишда,

мулоқотнинг қийин ҳолатларини кўра олиш ва одамлардаги таъсир ҳолатини тўғри таҳлил қила билишда, мулоқотга тайёрланиш ва мулоқотга бўлган хоҳишларда кўринади.

Педагог учун энг зарури нутқ маданиятини эгаллашдир. Ўқитувчининг нутқи кундан-кунга ўқувчилар учун ибратли бўлиб бориб, уларнинг нутқ маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши керак. Нутқнинг грамматик тўғрилиги, унинг лексик бойлиги, яхши ифодаланганлиги, образлилиги, нутқ техникасини эгаллаганлиги ўқитувчининг турли хил касбий масалаларни сифатли ечишига имкон беради.

Педагогнинг ташқи кўриниш маданияти, унинг ташқи кўринишга мослик даражаси ва педагогик фаолияти билан баҳоланади. Кенг фикрлилик, тартибли, одобли босиқлик ва ўзини - ўзи яхши бошқара олиш кабилар педагогик фаолиятнинг муваффақиятли бўлишига олиб келади.

Педагогга касбий билимлар ва билимдонликдан фойдаланишга рухсат берилган йўналиш. Албатта, педагогик лар йўналтириладиган йўналишлар - бу ўқитиш, билим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг кўникмаларини ташкил ва ривожлантиришдан иборат. Умуман олганда, ўқитувчининг асосий функцияси - ўқитиш, тарбиялаш, ташкил ва ривожлантириш жараёнини бошқаришдан иборат.

Сукрот педагогларни “Фикрлар дояси” деб атаган эди. Педагогнинг маҳорати шунда кўринадик, у аввало ўқув жараёнини шундай ташкил қиладик, энг қийин шароитларда ҳам талабаларнинг ривожланиши, билимларга эга бўлишига эришади. Ҳақиқий ўқитувчи ҳар бир талабани билади, руҳиятини тушунади, унинг онгига йўл топа олади, фикр уйғотиб, уни тўлқинлантиради.

Ўқитувчи ўргатувчи эмас, билимни эгаллашга ўргатувчи, тарбияловчи эмас-тарбия жараёнини бошқаришга йўналтирувчидир. Ўқитувчининг бошқариш функциясини аниқлаштириш мақсадида «Педагогик лойиҳа», деб аталувчи тушунчадан фойдаланиб, у орқали ҳар қандай мўлжалланган иш ва

уни охирига етказиш тушунилади: дарс, дарс соати, мавзуни ёки унинг бўлимини ўрганиш, олимпиада ёки мактаб байрами ва бошқалар. Мазкур ишларни педагог бошқариши зарур, агар у қанча нозиклик, ўйлаб ва ақл билан бошқарилса, натижада шунча кам вақт сарфланади ва шунча кўп самарадорликка эришилади.

Педагогнинг биринчи функцияси проект-лойиҳалашнинг бошланиш босқичида пайдо бўлувчи - мақсадни тахминлашдан иборат. Маълумки, мақсад педагогик фаолиятнинг таянч омилидан иборат ва у идеал ҳолатда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ини умумий натижага йўналтиради; бошқарув жараёнининг моҳияти ҳам шундан иборатки, унда барчанинг мақсадлари бирлашувга йўналтирилган. Ўргатиш жараёнини бошқариш, аввало, ўқувчиларнинг билимига, уларнинг тайёргарлик даражаси, имкониятлари, тарбияланганлиги, ривожланганлигига асосланади. Бунга диагностикалаш (грекча *diagnosis*-билиб олиш) дейилади. Аудиториядагиларнинг жисмоний ва психологик ривожланганлиги, ақлий ва руҳий тарбияланганлиги мактаб ва оиладаги тарбияланганлик даражасини билмасдан туриб, тўғри мақсад кўйиш ва унга эришиш воситаларини амалга ошириш мумкин эмас. У эса педагогик ҳолатни педагог томонидан олдиндан яхши таҳлил ни билиш зарурлигини кўрсатади.

Диагностикалаш билан бир қаторда прогноз олдиндан айтиб бериш (грекча *prognosis*-олдиндан кўриш, *pro*- олдиндан *gnosis*-билиш) мавжуд. Бу ҳолат ўқитувчидан ўз фаолиятининг натижасини кўра билиши орқали ифодаланади (1.2.1-жадвал).

Натижада педагог фаолиятининг стратегияси аниқланади ва кўтилган миқдор ва сифатда педагогик хулосага эришиш бўйича баҳолашга имкон яратади.

1.2.1-жадвал³

Лойиҳа фаолият босқичлари натижалари

Тайёрланиш	Б О Ш	Мақсад	Б О Ш	Мақсадлаш
		Ташқиис		Лойиҳалаш
		Олдиндан Айтиш		Режалаш
Амалга ошириш	Қ А	Лойиҳа	Қ А	Ахборотлаш
		Режа		Ташкиллаш
		Ахборот		Баҳолаш
Яқунловчи	И Ш	Ташкил Этиш	Р И Ш	Назоратловчи
		Баҳолаш		Тўғриловчи
		Назқрат		Тахминлаш
		Тўғрилаш		
		Натижа		

У ўқитувчининг билимдонлиги ва ўз фаолиятини аниқ шароитларда кўра олиши асосида ўз фаолиятининг стратегиясини аниқлаш ва педагогик маҳсулотнинг берилган миқдорда ва сифатда олиш имкониятини баҳолай олишда фойдаланилади.

³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ҳар бир педагогик режанинг охирида ўқитувчи аналитик таҳлил ўтказди ва дарсларни барча фойдали ва камчиликли ҳолатларини таҳлил қилиб, янги ишларни янада яхшироқ бажариш йўлларини қидиради. Шундай қилиб, ўқитувчиликнинг кўп қиррали функцияси (яхши артист, аналитик-таҳлилчи, илмий изланиш олиб боровчи ходим) ва бошқалар каби мураккабдир.

Ўқитувчининг юрагидан чиқувчи иссиқ нурлар билан планетамиздаги барча инсоният иситилган. Бу дунёнинг барча илиқликлари: ҳақиқатлар, ҳикматлар, яхшиликлар, биродарлик, тинчлик ундан ўзлуксиз тарқалиб туради.

Шуни эсда тутиш зарурки, ўқитувчи амалий фаолиятининг деярли ярми рационал технология асосига қурилган. Унинг иккинчи ярми-соатдан иборат. Шунинг учун педагогга қўйиладиган биринчи талаб-қўйидаги педагогик қобилиятларнинг борлиги:

Педагогнинг чегараланган сифати аҳамиятли бўлмасдан, уларнинг мажмуи, тўла тизими аҳамиятга эга бўлади. Ўқитувчи маҳоратининг тизими, характери, янги интеграллашган тушунчаси - педагогнинг касбий потенциалида ўз аксини топади. Бундай таърифнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, у ўзига кўплаб турли режали ва турли даражали ўқитувчининг тайёргарлик ва фаолият аспектларини бирлаштиради.

Касбий потенциал (лотинча *potencia*-умумлашган қобилият, имконият) ўқитувчининг асосий характеристикасидан иборат. У табиий ва қабул қилинган-орттирилган сифатларнинг тизимли мажмуи бўлиб, у берилган ҳолатдаги ўз вазифаларини бажара олиш имкониятидан иборат.


Касбий потенциал касбий билимлар ва қобилиятларнинг асоси бўлиб, педагогнинг фаол фикрлаш, яратиш, у ўзининг мўлжалларини ҳаётга татбиқ этиб, режалаштирилган натижаларга эриша олиш қобилиятидан иборат. Касбий потенциални табиий ва касбий тайёргарлик жараёнида тўпланган сифатларнинг тизими сифатида қараш мумкин.

«Касбий потенциал» тушунчасининг умумий структураси - тузилиши етарли даражада мураккаб ва кўп қисмлардан иборат. Бир томондан, педагогнинг касбий потенциалида ўзида педагогик фаолиятга ва фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мойиллигини ўзида акс эттирувчи нисбатни ўз ичига олади. Бундай қарашда қабул қилинган ва табиий қобилиятларнинг касбий фаолиятлар ўрнига урғу берилади. Иккинчи томондан, педагогнинг касбий потенциалида педагогнинг касбий фаолиятга муносабатини ифодалайди. Бу шуни кўрсатадики, фақат мавжуд маҳоратнинг ўзи касбий фаолиятга етарли эмас. Учинчидан, педагогнинг касбий потенциалида ўз меҳнатини касбий ихтисослик талаби даражасида бўлишни талаб этади. Ниҳоят, тўртинчидан, педагогнинг касбий потенциалида -бу қабул қилинган сифатларнинг концентрациясидан яъни билимлар, маҳоратлар, кўникмалар, фикрлаш усуллари ва фаолиятнинг тайёргарлик жараёнида қабул қилинган сифатлардан иборат.

Педагогнинг касбий потенциалида энг яқин умумий тушунчаси педагогнинг касбий билимдонлигидир. Касбий билимдонлик бу фикрлашни билиш ва касбий билимдонлик билан дан иборат.

Педагогнинг касбий потенциалида умумий тўзилишининг ташкил этувчиларига интеллектуал, асосланган, коммуникатив, ижодий ва ўз касбий қобилиятлари киради.

Педагогнинг касбий потенциалини идеал педагог билан ифодалаш маълум даражада осонлик туғдиради. Идеал педагог- профессионал педагогнинг бир кўриниши бўлиб, у энг юқори даражадаги фуқаролик, ишлаб чиқариш ва шахсий функцияларга эга бўлган шахс. Идеал педагог - бу тайёргарлик бўйича энг юқори солиштириш учун эталон. Педагогик потенциалнинг идеал педагог тушунчаси бўйича структураси 1.1.2-жадвалдан кўришиб турибдики, педагогик сифат кетма-кетлиги жуда кўп бўлиб, уларнинг баъзилари замон талабига мувофиқ равишда ўзгариб туради.



Ёш ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятига тўсқинлик қилувчи омиллар:

- Ўз фанини яхши билмаслиги.
- Моддий рағбатлантириш яхши эмаслиги.
- Ўқув-методик ва бошқа адабиётларнинг етишмаслиги.
- Меҳнат шароитидаги камчиликлар.
- Оилавий тўсқинликлар.

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

- Касбига қизиқмаслиги.
- Ўқувчиларнинг пассивлиги сабабли дарслар самарадорлигининг пастлиги.
- Ўқув хонасини жиҳозланмаслиги.
- Педагогик ва психологик билимлар етишмаслиги.
- Мактаб маъмуриятининг салбий таъсири.
- Етарли компетенцияга эга бўлмаган "консерватор" ўқитувчиларнинг салбий таъсири.
- Педагогик стажнинг камлиги ва ҳақозолар.

1.3. Касб-ҳунар таълимида ёш педагогларнинг шаклланиши ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни

Муаллимлик касбининг шарафлилиги, нафақат, унинг ўқитувчи, турли билимларни ўргатувчи ва моҳир тарбиячи бўлганлиги учунгина эмас, балки унинг ўзи танлаган олий ўқув юртидаги барча мутахассисликлар бўйича махсус фанларни ва уларнинг пойдевори бўлган фундаментал фанларни ҳамда ўқитиш ва тарбия беришни, психология ва педагогика асосларини аъло даражада эгаллаган бўлиши шарт.

Шу билан бирга ўз касбининг устаси бўлган муаллим турли даражадаги билимга, хоҳиш ва иродага ҳамда тарбияга эга бўлган талабаларни ажойиб санъаткор каби ўзига эргаштира олиши зарур. Бундай касбий педагогик хусусиятга эга бўлган муаллим ўзига қуйидаги мажбуриятларни олиши керак: Биринчидан, ёш педагог, тарбиячи келажакдаги педагоглик фаолияти учун ўзининг имкониятларини баҳолаши, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиши, касбий педагогик тайёргарлик даврида қандай касбий зарурий сифатларни шакллантириш кераклигини ва яна қандайларини мустақил педагогик жараёнда шакллантириши кераклигини билиши лозим. Иккинчидан, ёш педагог интеллектуал фаолиятининг умумий томонлари (тафаккур, хотира, қабул қила олиши, кўз олдига келтириши, эътибори)ни

хулқ-атвор маданияти ва шу жумладан, педагогик алоқани эгаллаган бўлиши шарт. Учинчидан, педагог учун мажбурий дастлабки шарт-шароит муваффақиятли фаолияти асоси бўлган ўқувчини ўзининг тенгқури деб қараши ва унинг хулқ-атвори ўзаро алоқасидаги қонун-қоидаларни билиши керак. Педагог, тарбиячи ва тарбияланувчини, унинг барча хусусиятларидан қатъий назар, билиши ва қабул и шарт. Тўртинчидан, педагог нафақат талабалар ўқиш фаолиятининг ташкилотчиси ва ўқиш жараёнини ташкил этувчиларнинг ўзаро алоқасини илҳомлантирувчи бўлиб хизмат и билан бирга маълум маънода билим, тарбия бериши ва демак, умумий мақсадларга эришишда уларнинг дўсти сифатида қатнашиши зарур. Бу эса талабалар олдида доимо ўзларининг ташкилотчилиқ, коммуникатив хусусиятларини педагогик-психологик билимларни ўзлаштириш жараёнида ривожлантириб боришларини ва улардан педагогик амалиётларида самарали фойдаланишга интилишларини юзага келтиради. Педагоглар учун ҳам Гиппократ қасамини тааллуқли деб қаралса, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Талабадаги инсонийлик ва шахсликни ҳурмат, ўзингизга қандай муносабатда бўлишларини хоҳласангиз, уларга ҳам шундай муносабатда бўлинг:

1. Доимо ўзингизни ривожланиш ва ўсишга, ўқишга унданг, зеро, кимки ўзи билмаса, бошқаларда ўқишга иштиёқ туғдира олмайди.

2. Талабаларга билимни шундай берингки, токи, улар ўзлаштиришни хоҳласин ва ўзлаштирасин.

3. Ўқитишнинг мақсади фақат талабага маълум билимларни беришдан иборат бўлмай, уларда мустақил ва ўқитувчи ёрдамисиз юқори чўққиларни эгаллаш малакаларини яратишдан иборат.

Республикадаги барча ихтисосликлардан 86 йўналиш учун касбий педагог бакалаврлар ва педагог магистрларни тайёрлаш амалга оширилмоқда, бу йўналишларда тайёрланаётган педагог бакалаврлар асосан академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган бўлса, шунча

миқдордаги педагог магистрлар мос равишдаги олий ўқув юртлари учун педагог ўқитувчилардан иборат бўлмоқда.

Ҳозир дунёнинг барча мамлакатлари асосан ўзлуксизликни ташкил этувчи янги таълим тизимини ишлаб чиқиш фикридадирлар.

Таълим ва ўзлуксиз таълим тизимининг ривожланиши педагоглик касбининг етарлича ўзгаришига олиб келади. Ўқитиш ва тарбия жараёнидаги мутахассислар сонининг ўзлуксиз ортиши юзага келади. Бу ҳол педагоглик касбининг нафақат кескин ортишига ва турларининг кўпайишига олиб келади.

XXI аср талабига кўра, ўқитувчиларни тайёрлаш тизимини замонавийлаштиришнинг умумий томонлари:

-ўқитувчиларнинг асосий қисмини олий таълим, университетлар тайёрлай бошлади, бу эса ўқитувчилар касбини бошқа мутахассислар даражасига кўтариб, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга олиб келади;

-педагогик таълимнинг кўп сатҳли ва вариантлигига ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар турли давомийликда тайёрлана бошланди (бакалавр, мутахассис, магистр);

-педагогик таълимда умумтаълим қисмларини кучайтириш. Ўқитувчи ўзининг мураккаблашган функцияларини бажариш учун кўп томонлама ва юқори билимли, руҳан бой, инсон табиатини ўткир сезувчи инсон бўлиши шарт.

-бошқа йўналишдаги мутахассисларни ҳам ўқитувчиликка тайёрлаш ва ҳоказо.

Коллежда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги фақат ўқитувчининг тайёргарлиги, маънавий қиёфаси ва ўз вазифасини қандай бажаришигагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки бола яшайдиган муҳит ва оиланинг таъсирига ҳам боғлиқдир. Оила болани ахлоқий тарбиялаш, унинг маънавий-ахлоқий йўналишларини шакллантиришнинг муҳим омилидир. Оила бола тарбия оладиган энг биринчи жамоа бўлиб, бола унда ахлоқий

коидалар, урф-одатларни билиб олади, дастлабки ахлоқий тажриба ортиради.

Тарбиянинг самарадорлиги кўпинча оила ва коллежнинг болага нисбатан бир хил талаб кўя билишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам педагогик ахлоқда ўқитувчи билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, муомаласига каттга эътибор берилади, муаллим оила билан алоқа ва ҳамкорлик килмасдан туриб, болани ахлоқий тарбиялаш вазифасини бажара олмайди. Чунки мактаб, коллеж оилада шаклланган ахлоқий фазилатларни мустахкамлаши ёки иллатларни йўқотиши лозим бўлади.

Шундай вазиятлар ҳам бўладики, ўғил ёки қиз бола коллежда ўзбошимчалик қилади, лекин оилада хушёр ва гапга қулок солади. Ёки аксинча. Оилада муомаласи кўпол, ўзбошимча, мактабда эса ўзини хушмуомала, интизомли тутди. Бунинг сабаби нимада? Бундай ҳолатларнинг ҳаммаси учун бир хил сабаб ва тўғри жавобни топиш амри маҳол. Чунки ҳар бир ҳолатда унинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Демак, ўқитувчи ва ота-оналарнинг мақсадлари бир хил бўлса ҳам уларнинг ҳамкорлиги, бир-бирини тушуниши, муомала-муносабатлари карама-каршиликларсиз бўлмайди. Шунинг учун ҳам бундай вазиятларда муаллим ота-оналар билан муомалада қуйидаги одоб мезонларига амал қилмоғи лозим: муаллим ҳам, ота-она ҳам болада рўй бераётган ўзгаришларга бефарқ карамаслиги; боланинг ҳулқида учраган нуқсонни яширмасликлари, муаллимнинг асосий вазифаси, педагогик одобнинг муҳим талабларидан бири ўқувчига ота-онасининг яхши фазилатларини айтиб, болада ота-онасига нисбатан ҳурмат, мухаббат туйғусини ўстириш, мустахкамлашдан иборат.

2-БОБ.Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даврида

ўқитувчилик касбига қўйиладиган талаблар

2.1. Ўқитувчи шахсининг ривожланишида унга қўйиладиган талаблар

Ўқитувчи шахсининг касб фаолиятида касбий ўз-ўзини тарбиялаши устувор аҳамиятга эга бўлганлиги учун унинг касб фаолияти структурасида биринчи ўринда тарбиячилик қобилияти туради. Олиб борилаётган тадқиқотлар ўқитувчининг касб фаолияти структурасини қуйидаги алгоритм тартибида келтиришни ифода этади.

1. Тарбиячилик.
2. Ташкилотчилик.
3. Коммуникатив.
4. Перцептив.
5. Информацион.
6. Дидактик.
7. Йўналтирувчи
8. Сафарбар этувчи.
9. Ривожлантирувчи.
10. Креатив.
11. Гностик (тадқиқотчилик)

Педагогик ва психологик адабиётларда ўқитувчининг касб фаолият структураси унинг касбий сифатлари ва айни пайтда касб қобилиятлари ҳам дейилади. Ўқитувчининг касб фаолияти структурасини қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Тарбиячилик қобилияти. Тарбиячилик-бу юксак даражадаги санъат бўлиб, шахсни ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб бера олиш қобилиятини билдиради. Тарбиячилик қобилияти шахсни тарбиялашгагина эмас, ўз-ўзини тарбиялай олишга йўналтира билишга қарор топади. Бугунги тарбиянинг мақсади ҳам мустақил фикрлай оладиган ва ўз-ўзини

тарбиялаш қобилиятига эа бўлган шахсларни шакллантиришга қаратилган. Тарбия миллий хусусиятга эга бўлганлиги боис, шахснинг тарбиячилик қобилияти миллий анъана, урф-одатлар ва миллий қадриятларни турмуш ва воқеълик билан боғлай олишида кўринади. Ана шундай тарбиячи таълим ва тарбия жараёнини бола шахсига мувофиқлаштира олади. Комил шахсни шакллантириш воситалари ва йўл-йўриқларини излаб топади. Таълим тарбиянинг изчиллиги ва уйғунлигини таъминлайди. Ўқитувчи ўзидаги барча яхши хислатлар ва фазилатларни кўрсатиб, ибрат намуна бўла олсагина ундаги қобилиятлар тарбиявий аҳамият касб этади. Шахснинг тарбиячилик қобилияти миллий тарбиянинг асосини ташкил этади. Тарбиячининг тарбиячилик қобилияти асосида миллий тарбия янада ривожланади.

2. Ташкилотчилик қобилияти. Таълим тарбия ишини самарали йўлга қўйишда ўқитувчининг ташкилотчилик қобилияти алоҳида аҳамиятга эга булади. Бунда синф ёки гуруҳ жамоасининг уюштира олиш, ҳар бир ўқувчи ёки талаба билан индивидуал шуғулланиш учун уларни ёш, жинс ҳамда яққа тартибдаги хусусиятларини билиш, ўқувчи-талабаларнинг хоҳиш-истаклари, муаммоларини эшитиш ҳамда уларнинг ечимини топишда кумаклашиш, кўшимча дарслар, тўғараклар, тарбиявий дарслар ўтказишга оид тегишли шарт-шароитлар яратиш, байрамлар, ҳар-хил тадбирлар, ўқувчи ва талабаларни таътиллари ҳамда маданий дам олишларини уюштириш каби ишлар киради.
3. Коммуникатив қобилият. «Ўқитувчи-ўқувчи», ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла ва бошқа ташкилотлар билан тўғри муносабат ҳамда касбий-маданий алоқалар ўрнатишга қаратилган. Ўқитувчилик иши ижтимоий характерга эга бўлганлиги боис, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусияти, одоби, ижтимоий ахлоқи, режалари, орзу истакларини билиш таълим ва тарбия ишида самарадорликка эришиш гарови ҳисобланади. Ўқитувчи шахслараро муносабатларда вужудга келадиган

муаммоларни хал этишда тўғри муомила ва мулокатни йўлга қўйиши муҳим аҳамият касб этади.

4. Перцептив қобилият. Ўқувчи ва талабанинг қалбига йўл топа олиш, ўз навбатида, уни қалбан хис этиб, ўзининг ўрнига қўйиб кўра билиш, ёшларнинг рухий маънавий оламини ўрганиш, унга объектив баҳо бериш, боланинг психологик хусусиятларини билган ҳолда унинг кайфияти, хиссиёти, ва бошқа психик жараёнларини ўрганиб бориш ўқитувчининг перцептив қобилиятини ташкил этади. Шу билан бирга тез хаёжанланадиган, ёш, тажрибасиз, ўқитувчиларнинг чегарадан чиқиб кетиш ҳоллари ҳам кўзатилади. Бунда кўтилган натижага эришиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Баъзан ўқитувчининг жаҳл ёки серзардалик билан иш юритиши талаба онгидан кўра хиссиётига кўпроқ таъсир этади. Қизикқон ўқитувчининг ўқувчилари одоб ва этикодлари билан эмас, аксарият ҳолда ўқитувчидан кўрқанларидан «интизомли» бўлишади. Бундай ўқувчилар ўқитувчи йўғида камдан-кам ҳолларда ўзларини тўғри тутишади. Тажанг ўқитувчилар арзимаган иш учун ўқувчиларини асабларини таранг қилишади. Бу ҳол «ўқитувчи-ўқувчи» муносабатига путир етказди. Шунинг учун ўқитувчи доимо ўзининг ҳамда эхтиросини бошқара олиши лозим.
5. Инфармацион қобилият. Бу қобилият ўқув тарбия жараёнининг боши, яъни бошланиши ҳисобланиб, ўқитувчини қанчалик ахборот ола билиш қобилияти, уни атрофлича ўрганиб, таҳлил этиб, ўқувчи ва талабанинг ёши, онги, дунёқарашига мос равишда етказиб бераолишда ўз ифодасини топа олади. Бу жараёнда ўқув материалининг қанчалик чуқур ва атрофлича билиши билан бирга, уни мустакил ўз онги шууридан ўтказиб, бугунги талаблар даражасида ўқувчи ва талабага етказиб бера олишида кўринади. Бу ерда ўқитувчининг оғзаки нутқ маҳорати ва уни қандай анъанавий ҳамда интерфаол методлар асосида етказиб бера олиш санъати хал қилувчи аҳамиятга эга ҳисоланади. Бунда қайтар алоқа ва унинг

самарадорлиги ўқитувчининг информацион қобилияти даражасини белгилайди.

6. Дидактив қобилият. Ўқувчи ва талабанинг билим олишга бўлган қизиқишларини аниқлаш, мустакил фикри, мантикий ва аналитик тафаккури асосида эгаллаётган билим, кўникма, ва малакаларини ўрганиб бориши, бу жараёнда эгаллаётган билимлар қай даражада кўникма ва малакаларга айланаётганлиги муҳимдир. Ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам қобилиятлари муайян фаолият жараёнида юзага чиқади ва ривожланади. Бугунги ўқитувчи ўқитувчини ўқитиш эмас, балки мустакил фикр ривожини асосида билимларни эгаллаши сари йўналтириши ва бунинг учун тегишли шароитлар яратиб бериши лозим. Хар бир дарс сифати ва самарадорлигига эришиш учун ўқитувчи аввало, ўқувчининг ўз фанига қизиқтира олиши, унинг «субъект-субъект» муносабатлари доирасида фаол шахсга айланишига эришмоғи лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи касб фаолияти натижасини олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлмоғи зарур. Ўқитувчининг яна бир дидактив қобилиятига унинг дарс жараёнини кўзата билиш ва таҳлил қила олиши қиради.
7. Йўналтирувчи қобилият. Бу мотивлар ва мотивация билан боғлиқ бўлиб, эркин фикр, қизиқиш, хавас, интилиш ва орзу билан ифодаланади. Шахс фаолиятини бошқарувчи, уни йўналтирувчи асосий ғоя унинг мақсади ва вазифаларини белгилаб беради. Шахснинг маънавий-ахлоқий ва касбий дунёқарашининг ривожланишига ундовчи мотивлар етакчилик қилади. Бу жараён шахснинг ижтимоий фаоллигини таъмин этади.
8. Сафарбар этувчи қобилият. Бу бугунги давр ривожини ва талабидан келиб чиқиб, ўқитувчининг иктисодий, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий ва касбий маданий муносабатларнинг нақадар долзарблиги, ечимини кутаётган муаммоларни хал этишининг зарурлиги, назарий-метадологик билимларни амалиёт даражасига олиб чиқишнинг ўта муҳимлигини англаб етиши билан боғлиқ равишда хал этилади. Ўз навбатида, ўқитувчи

ўқувчиларни ўқув-билув, маънавий-тарбиявий ишларни ўз вақтида бажаришга онгли ва асосли равишда сафарбар эта олишида кўринади.

9. Ривожлантирувчи қобилият. Бу қобилият таълим-тарбия ривожининг уйғунлигида амалга ошиб, бунда ўқитувчи ўқувчини хиссий –ифодавий, дидактик, йўналтирувчи, сафарбар этувчи, янгиликка интилувчан ва илмий-ижодкорлик қобилиятларини аниқ системада мақсадли равишда ривожлантира олиш қобилияти билан ифодаланади. «Ўқитувчи-ўқитувчи» муносабатига хос ривожлантирувчи қобилият асосида ўқувчи воқеа-ходисаларни муайян билим ва кўникмалар асосида таҳлил эта олиш, аҳамиятига қараб саралаш, сабаб ва оқибатини чуқур ўрганиш, янги тушунча ва илмий билимлар билан ўз онги ва дунёқарашини бойитиш имкониятига йўл очиб беради.
10. Креатив қобилият. Бу ўқитувчининг алоҳида ўзига хос қобилияти бўлиб, ўз онгида янги тушунчаларни ўрганиш, уни таҳлил этишдан бошланиб, янгиликка интилиш, ўз соҳаси бўйича янги ахборотларни туплаш, уни алоҳида дастур ҳолига келтириб, таълим ва тарбия жараёнига тадбик эта олиш билан белгиланади. Педагогик инновация фаолияти мутлоқ янги кашфиётлар қилиш, бор янгиликларни ўрганиб, умумлаштириб, амалга тадбик этиш ва педагогик жараёнда муаммоли вазиятлар ечимини топиш, сифат ва микдор тахлилини ўрганиш, моделлаштириш каби ижодий ишлар ўқитувчининг креатив қобилиятини курсатади.
11. Гностик (тадқиқотчилик) қобилият. Бу қобилият ўқитувчини изланишга, ижодий меҳнатга, илм-фанга қизиқишга, муаммолар ечимида мақсад ва вазифалар қўя билишга, аҳамиятига қараб илмий-амалий фактларни туплаб олишга, муайян илмий фараз ечимини топишга, илмий тадқиқотчилик иши билан шуғуланишга, илм орқали билим эгаллаш принципи асосида фаолият юритишга ундайди. Ўқитувчининг касб фаолияти структураси унинг касбий педагогик маҳоратини белгиловчи

асосий омил ҳисобланади. Айрим мутахассислар ўқитувчининг дидактик ва ташкилотчилик қобилияти унинг асосий педагогик маҳорати тўзилмасини ташкил этади деб ҳисоблашади. Ваҳоланки, касбий маҳорат ўқитувчи фаолиятининг энг олий намунасидир. Шундай экан, тўлақонли касбий педагогик маҳоратда юқорида кўриб ўтилган алгоритм тартиби тўлақонли ўз ифодасини топмоғи лозим. Ўқитувчи шахсининг касб фаолияти структураси асосида замонавий педагог шахсининг модели, яъни миллий ғоя талабларига мувофиқ келувчи профессиограмма ишлаб чиқилди. Ушбу профессиограммада келтирилган энг муҳим шахсий ва касбий сифатлар юқорида кўриб ўтилган касб тарбияси тизими асосида берилди. Профессиограмманинг яхлит кўринишини қуйидагича иффодалаш мумкин.

Қадрлар тайёрлаш миллий моделига мувофиқ, бўлажак ўқитувчи шахси ўз олдида турган вазифаларни олдиндан башорат қила билиши, бакалавр ва магистрлик даражасига эришиши учун ҳар бир ўқув йилида нималарни ўзлаштириши лозимлигини профессиограмма асосида моделлаштира билмоғи лозим.

Мамлакатимиз ўз истиклолини кўлга киритгач иктисодий ва маънавий соҳада мустақилликка эришиш вазифаси кун тартибига кўйилди. Ўзбекистонда ўзлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми сифатида умумий таълим мактабларида ҳар бир боланинг қобилият ва лаёкатларини эркин ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Ўқитувчи одобининг моҳияти, асосий мазмуни педагогик фаолият учун муҳим бўлган ахлоқий сифатларда ифодаланади. Умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар барча кишилар, ҳамма касб эгалари, жумладан, ўқитувчи-тарбиячилар учун ҳам жуда зарурдир.

Ахлоқий фазилатлар меҳнат жараёнида кишининг ҳулқи, феъл-атворини тартибга солиб турувчи қоидалар, нормалар, талаблар, мезонлар шаклида ифодаланади. Ахлоқ нормалари давлатнинг турли қонунлари билан амалга

ошириладиган ҳуқуқ нормаларидан фарқ қилиб, оммавий одат ва намуна кучи, жамоатчиликнинг фикри таъсирида юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий воқеалик шахс олдиға маълум ахлоқий талаблар кўяди, бу талаблар ахлоқ нормаси, ахлоқий фазилатлар шаклида ифодаланади. Жамият ўз фаолияти ва истикболи учун хизмат қиладиган ахлоқ нормалари, талаблари, мезонларини белгилайди.

Ўқитувчи умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатларни ўзлаштириб олиши, тажрибада кўллаши, ўзининг дунёқараши, мафкураси ва ахлоқий тажрибаси билан таккослаши лозим. Фикрлаш ва хис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида умуминсоний ва миллий-ахлоқий сифатлар, қоидалар, нормалар ўқитувчининг ўз ахлоқий фазилатига, эътиқодига айланади. Булар муаллимнинг дунёқараши, фикр ва мулохазалари билан кўшилиб, бозор иқтисодиётига асосланган жамият куриш шароитида унинг ўрни ва ролини белгилайди.

Ўқитувчи одобининг нормалари ҳар бир муаллимнинг шахсий фикрига, ахлоқий фазилати ва эътиқодига айланиши лозим. Ахлоқий эътиқод ва сифатлар ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларида, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа кишилар билан муомала, муносабатларида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади.

Ўқитувчи одобининг асосий сифатлари умуминсоний ва миллий-ахлоқий фазилатлар, тушунчаларига мос келади ва уларни педагогик фаолият билан боғлиқ тарзда бир қадар ойдинлаштиради. Инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий ғурур, байналмилалчилик, адолат, яхшилик қилиш, бурч, кадр-қиммат, масъулият, виждон, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, талабчанлик каби ахлоқий фазилатлар ўқитувчи одобида педагогик фаолияти билан боғлиқ равишда таҳлил қилинади. Болаларга яхшилик қилиш, ўқитувчилик бурчи, ўқитувчилик шаъни, кадр-қиммати, ўқитувчилик масъулияти, ўқитувчилик виждони, талабчан, ва адолатли бўлиш,

Ўқитувчининг маънавий қиёфаси, халоллиги, поклиги, ростгўйлиги кабилар ўқитувчи ахлоқининг муҳим фазилатлари ҳисобланади. Уларни чуқур ва пухта ўзлаштириш бўлажак ўқитувчи учун катта амалий аҳамият касб этади.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар орасида яхшилик қилиш фазилати муҳим ўрин эгаллайди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги ёдгорлиги — «Авесто»да эзгу фикр, яхши сўз ва яхши ишлар инсоний фазилатлар сифатида улуғланади. Ислом таълимотида бошқаларга яхшилик қилиш инсоннинг табиий эҳтиёжи бўлиши кераклиги тушунтирилади, айникса, ота-онага, аёллар, ёш болаларга яхшилик қилиш жуда қадрланади.

Ота-боболаримиз доимо яхши ният, яхши орзу-истаклар билан яшаганлар. Ўзларидан яхши ном колдиришга интилганлар. «Яхшиларга яхшилик килдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим.

Кишиларнинг феъл-атвори, юриш туриши, хатти-ҳаракати, гап сўзи уларнинг хулқига боғлиқ. Яхши хулқ эгаси бўлган киши одамларга яхшилик қила олади. Абдулла Авлоний яхши хулқлар каторига: фатонат, диёнат, исломият, назофат, ғайрат, риёзат, каноат, шижоат, илм, сабр, хилм, интизом, микёси нафс, виждон, ватанни суймоқ, хакконият, назари ибрат, иффат, хаё, идрок ва зако, хифзи, иқдисод, викор, итоат, хакшунослик, хай-рихохлик, мунислик, садокат, мухаббат, авф кабиларни киритади. «Эмди бу яхши хулқдарни кўлга олмоқучун ота-она, муаллим, устодларимиз хазратларининг хикматли насихатларини жон қулоғи бирла тинглаб, доим хотирада тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар бирла улфат бўлмақ, ахлоқи. бузук, ёмон кишилардан қочмоқ лозимдур».

Яхшилик ижобий ахлоқий фазилат бўлиб, хулқий сифатларнинг мажмуини, инсон фаолияти ёки бирор хат-ти-ҳаракатига ижобий муносабатнинг йигиндисини акс эттиради. Яхшилик кишининг ахлоқий онги ва ахлоқий тажрибасида жамият ва шахс манфаатларининг бирлигини акс эттириб, шахсга ва жамиятга манфаат кейтирадиган ижтимоий тараққиётга мос келадиган фазилатдир.

Ўқитувчи одобида яхшилик фазилатига педагогик фаолият билан боғлиқ ҳолда, ўқитувчининг яхшилиги шаклида аниқлик киритилади.

Унда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва ўқувчи мақсадининг бирлиги, таълим ва тарбиянинг самараси учун курашнинг бирлиги ақс этади. Яхшилик фазилати муаллимнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам, ота-оналарининг ҳам яхши ниятли, хайрихоҳ, меҳрибон бўлишини такозо қилади. Яхшилик қарор топиши учун педагогик жараёнда ёмонликка мурасасиз бўлиш, яхши истак билан хушмуомала қилиш, яхши қилиқ, яхши хатти-ҳаракатларнинг бирлиги зарур.

Умуминсоний ва миллий ахлоқда бурч тушунчаси ҳар бир кишининг ўз вазифасини тўлиқ бажариши, бошқаларга тўғри муносабатда бўлишини ифодалайди. Бурчда шахснинг жамиятга бўлган муносабати намоён бўлади. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Кишининг ўз бурчига содиқдиги жамиятга, Ватанга, меҳнатга, оилага, фарзандларига бўлган муносабатида билинади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқлари билан бир қаторда бурчлари ҳам белгиланган. Кунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш; Ўзбекистон халқининг тарихий, маданий ва маънавий меросини авайлаб асраш; атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш қабилар ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бурчга содиқлик ҳар бир кишининг одоби, ахлоқини кўрсатади. Катта ёшдаги кишиларни ҳурматлаш ёшларнинг бурчидир.

Ижтимоий бурчни юксак даражада англаш ўқитувчининг ахлоқий фазилати ҳисобланади. Муаллим болаларга ўргатадиган ғоялар унинг қалбидан жой олиб, дунёқарашининг асоси бўлиши зарур. Ҳар бир ишда, ҳар бир масалада муаллим ўз бурчига содиқ бўлиши зарур. Муаллимнинг мафкураси фуқаролик руҳи билан суғорилган бўлса, ижтимоий бурчни виждонан ҳис қилишга, интизомлилик, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қила

билиш, камтарлик, инсонпарварлик, ўз кадр-кимматини тўғри баҳолай олишга имкон беради.

Ўқитувчи ёш авлодга таълим-тарбия бериш соҳасидаги ўз бурчини зўрлик туфайли юклатилган мажбурият эмас, балки ўз ҳаётининг маъноси, ишонч ва виждон даъвати деб ҳисоблайди. Фуқаролик бурчини хис этиш бутун халқ ва Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилишни такозо этади. Давлат олдидаги бурчни юксак англаган, мафкуравий баркамол муаллим инсонга иззат-ҳурматли, ёшларга ғамхўр, меҳрибон, бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга доимо тайёр турадиган кишидир. Ўқитувчи ахлоҳида бурч хисси Ватанни севиш, унинг порлоқ келажаги учун ғамхўрлик қилишни талаб этади. Ўқитувчи одобида ватанпарварлик бурчи байналмилалчилик туйғуси билан чамбарчас боғлиқдир.

Педагогик амалиётда муаллимлар ўз педагогик бурчларини бажаришга ҳалол интилсалар ҳам иш шароитлари турлича бўлгани учун бир хил натижага эришавермайдилар. Бунинг оқибатида шахс билан жамият ўртасида маълум даражада қарама-қаршилиқлар вужудга келади. Бу конфликтлар турлича бўлиши мумкин. Киши ўқитувчилик бурчини англаса ҳам бирор шахсий мулоҳазага кўра бурчини бажаришни истамаслиги мумкин. Бундай ҳоллар камрок учраса ҳам умумий ишга ўқувчилар тарбиясига зарар етказди. Жамоатчилик таъсири ва маъмурий йўллар билан уни бартараф этиш лозим.

Ўқитувчи одобида адолатлилик фазилати педагогик фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Ўқитувчи одобида адолатлилик муаллимнинг ҳолислигида, ахлоқий тарбияланганлик даражасида, ўқувчилар ҳулқини, жамоат ишларига муносабатини, билимини баҳолашда кўринади. Демак, адолатлилик бир томондан муаллимнинг ахлоқий фазилати ҳисобланса, иккинчи томондан ўқувчиларга тарбиявий таъсирини баҳолашнинг мезони ҳисобланади. Муаллимнинг ўқувчиларга ва педагогик жараён катнашчиларига бўлган муносабати манманликдан,

ноҳолислик, ўзбошимчаликдан ҳоли бўлиши лозим. Шундагина у адолатли ҳисобланади. Муаллимлик ишининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у хар куни ўқувчилар билан учрашади, уларнинг билимини, ҳулқини баҳолайди. Яхши ишларини рағбатлантиради, ноҳўя хатти-харакатлари, шўхликлари учун танбех беради. Албатта, муаллимнинг фикр-мулоҳазалари, баҳоларида нисбийлик белгилари мавжуд. У ҳамма болаларга айнан бирдек, жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин ўқитувчи ҳаммага нисбатан ҳолис ниятли, яхшилик қилишга интилувчи, болаларнинг келажаги, тақдири тўғрисида ғамхўрлик қилувчи, адолатли киши эканлигига барча ўқувчиларнинг ишончи комил бўлмоғи даркор.

Хар томонлама билим ва юксак маданиятга эга бўлиш ўқитувчи одобининг талабларидан биридир. Бозор иқтисодиётига асосланган жамият кишисининг идеали инсоннинг ақлий баркамол, маънавий бой, ишбилармон, ахлоқ-одобли, ҳалол, ростгўй, ўзини тута оладиган бўлишини такозо қилади. Коллеж ўқувчилари бу идеалга интиладилар. Ўқувчига ахлоқий таъсир ўтказишнинг самараси ўқитувчининг чуқур билимли, юксак маданиятли, баркамол инсон бўлишига боғлиқ. Муаллим ўзи ўқитадиган фанни яхши билиши ва ундан тузуккина дарс бериши билангина бунга эриша олмайди. Ҳақиқий устоз ўз предметини билиш билангина чекланиб қолмай, жуда кўп нарсаларни билишга, тушунишга, ҳис этишга интилиши лозим. Мафкуравий ҳаёт, бадиий адабиёт, таъсвирий санъат, театр, кино, телевидение, мусика, архитектура, спорт муаллим буларнинг барчасидан хабардор, уларни тушунадиган, қадрлайдиган бўлиши талаб этилади. Ўқитувчи ҳамма нарсани кўра оладиган бўлиши зарур, лекин юзаки хар жойдан бир шингил эмас, балки, аввало, ўз ишини, ўзи ўқитадиган фанни пухта билиши, шу билан бирга билимларнинг бошқа соҳаларига ҳам қизиқиши, улардан хабардор бўлиши даркор.

2.2.Касб-хунар таълимида ёш педагогларда муомала одобини шакллантиришнинг назарий талқини

Педагогик жараёнда муомала одобини ўқитувчининг фаолиятида намоён бўлади. Ўқитувчилик фаолиятига кўйиладиган ахлоқий талаблар ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ёш авлодини умуминсоний ва миллий-маънавий, маданий кадрлар руҳида тарбиялаш соҳасида кун тартибига кўяётган вазифаларга боғлиқ. Улар педагогик жараёндаги муомала одобини, унда қатнашаётган кишиларнинг ҳуқуқи, хатти-ҳаракатларида ифодаланади. Бу хатти-ҳаракатлар педагогик жараён қатнашчиларининг таълим-тарбия мақсади, вазифалари, усул ва воситаларни, ахлоқий кадрларни қай даражада қабул қилишлари шаклида намоён бўлади.

Муомала одобининг тузилиши жуда мураккабдир. У педагогик фаолиятда субъект-объект муносабатлари шаклида ифодаланади. Субъект-объект муносабатлари муаллим ўзининг касбий бурчини бажараётганида ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан ўқитувчи ўртасидаги алоқаларда вужудга келади. У ўзаро ҳурмат даражаси, ишонч, талабчанлик, хайри хоҳлик, ташаббускорлик, ўзаро ғамхўрлик, ҳар бирларининг инсон сифатида кадр-қимматини эъзозлаш кабиларда намоён бўлади. Улар ўқитувчининг педагогик фаолиятда бошқалар билан муомаласининг характерини баҳолашга хизмат қилади. Ўзаро таъсирлар ўқув ишида, турмушда, дам олиш пайтларида, оиладаги муомала-муносабатларнинг хусусиятларини аниқлашга имкон беради.

Педагогик этикада муомала одобининг бирор жиҳати, масалан, ўқитувчининг ўз касбига муносабати, бурчи алоҳида таҳлил этилиши мумкин. Ўқитувчилик касби кишига маълум талабларни кўяди, лекин муаллим бу талабларни қандай бажараётгани бу талабларда хали ақс этмайди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини касб-хунар таълими бўлимлари, коллеж маъмурияти, методик бирлашма ходимлари баҳолайди

Педагогик жараёнда ўқитувчи ахлоқий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади. У педагогик жараённинг асосий кишиси сифатида ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар билан муомалада бўлади. Педагогик муомала одоби тизимида ўқитувчи асосий фигурадир. Ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналар, педагоглар жамоаси ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўқитувчи учун педагогик муомала-муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Улар билан бўладиган алоқалар ёш авдолга таълим-тарбия бериш вазифаларини бажариш жараёнида содир бўлади. Бу муомала жараёнида иштирок этадиган кишилар бир-бирларига нисбатан хайрихоҳ, ижобий ҳиссиётда бўлишлари, бир-бирларининг фазилатларини ўзаро баҳолашлари, кадрлашларини назарда тутуди.

Муомала одобида ўқитувчининг ахлоқий онги, ахлоқий фаолиятининг етуклик даражаси, ахлоқий эҳтиёжлари ва ахлоқий йўналишлари, сўзи билан ишининг бирлик даражаси, хуллас, муаллимнинг фаол ҳаётий нуктаи назари намоён бўлади.

Муаллим ҳаётга эндигина кириб келаётган, баркамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар ёш болалар билан мулоқотда бўлади. Болалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ мезонларини ўзлаштиради. Ўқувчи муомала одобини асосан ўқитувчи тимсолида англаб олади. Севимли муаллим бола учун бир умр идеал, ибрат, намуна бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Республикамиз ўқитувчилари орасида ўз ишининг устаси, Халқ ўқитувчиси, Хизмат кўрсатган ўқитувчи, йил ўқитувчиси, деб тан олинган ота-оналар, ёшлар эъзозлаб Устоз деб атайдиган мўътабар инсонлар кўплаб топилади. Улар педагогик ишда фидойилик кўрсатиб, муаллимлик бурчини юксак даражада бажариб, болаларга билим бериб, улар қалбига халоллик, гўзаллик, ҳақиқат, одоб-ахлоқ ноўрини сингдира олганликлари, хушмуомала бўлганликлари учун ҳам бундай обрў ва ҳурматга эришганлар.

Баркамол, ижодкор шахсни шакллантиришга, тарбиялашга доир ахлоқий нормалар педагогик этикада ифодаланган. Тарбияланувчига ижобий таъсир ўтказиш шартларидан бири болага бўлган ишонч билан унга нисбатан кўйилаётган талабларнинг бирлигидадир. Педагогик жараён, тарбия жараёни, одамларнинг табиати шу даражада мураккабки, муаллим баъзан истасистамаса кўполлик қилишга «мажбур» бўлади, ўқувчи муаллимнинг ўринли талабларини бажармаётган пайтларида у ўзини тутолмай қолади. Муаллим ўз талабларини, хатто кўполлик ҳолатини ҳам, болага яхшилик қилишман деб ҳисоблайди, чунки бу ишни болага билим бериш, уни тўғри йўлга солиш, яхши одам қилиб тарбиялаш учун қилаётганига ишонади. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» (Тошкент, 1968) асарининг «Тарбиянинг таъсири баёни» бобидаги хикоятларда, Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб» асаридаги «Мударрислар тўғрисида», «Мактабдорлар тўғрисида»ги мақолаларида билдирилган мулоҳазалар бу фикримизга ҳамоҳангдир.

Бундай ҳолатлар кўпинча тарбияси қийин бола билан муомала-муносабатлар жараёнида содир бўлади. Шунини ҳам унутмаслик лозимки, бундай бола одатда, носоғлом оиладан чиқади. Бола оиладаги ёмон муҳитнинг қурбони бўлиши ҳам мумкин. Тажрибали педагоглар тарбияси қийин бола билан ишлаш, муомала қилиш мураккаблигини, шу билан бирга улар инсоний меҳрга зор, хушмуомалага, эътиборга муҳтож эканлигини, бундайларга нисбатан бар-ошли, сабр-тоқатли, кечиримли бўлиш зарурлигини ҳам таъкидлайдилар.

Республикамиз коллежларидаги таълим-тарбия жараёни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирларига ишонишларига асосланмоғи зарур. Муаллим билан ўқувчининг муомала-муносабатлари ижодий характерга эга. Ишонч йўқ жойда ижодкорлик ҳам бўлмайди. Ишонч, ҳурмат, меҳрибонлик, хайрихоҳлик талабчанликни инкор этмайди, балки назарда тутаяди. Муаллимнинг қаттиққўллиги ва талабчанлиги болага ахлоқий таъсир ўтказишнинг зарур шартларидан биридир. Болада ҳаётий тажриба йўқлиги,

иродавий сифатлар яхши шаклланмаганлиги туфайли ҳам муаллим унга нисбатан талабчан бўлмоғи даркор.

Ўқитувчи боланинг имкониятларини, қобилиятини ҳисобга олган тақдирдагина ундаги камчиликларни бартараф эта олади, унинг педагогик талабларини бола бажариши мумкин. Муаллимнинг талаблари боланинг имконият даражасидан паст бўлса, ундаги қобилиятларнинг ривожланишига тўскинлик қилади; агар муаллимнинг талаблари боланинг қобилияти ва имкониятларидан ортиқ бўлса, болада ўз кучига ишонмаслик, ишдан ўзини четга олиш хис-туйғусини пайдо қилади. Муаллимнинг қаттиққўллиги ва талабчанлиги ахлоқий тарбиянинг бошқа воситалари билан бирга олиб борилиши керак.

Педагогик далиллар ва уларнинг тахлили шундан далолат берадики, муаллим ўқувчилар билан муомалада маълум ахлоқий талаблар, мезонларга амал қилиши зарур. Булардан энг муҳимлари қуйидагилар:

— педагогик фаолият жараёнида муаллим ҳар бир ўқувчининг кадр-қимматини инсон сифатида ҳурмат қилиш, ўқувчига нисбатан ишонч;

— ўқувчининг билими ва хулқини баҳолашда талабчан, адолатли бўлиш. Муаллимнинг болага педагогик талаблари реал, унинг кучи, қобилияти ва имкониятларига мос бўлиши, болаларда ўз-ўзига нисбатан талабчанлик ва танкидий муносабатни ўстириш;

— муаллимнинг болага меҳрибон, ғамхўр бўлиши, боланинг шодлигига ҳам, ташвишларига ҳам шерик бўлиш;

— бола мушкул вазиятга тушиб қолганда унга кўмаклашиш.

Муаллимнинг ёрдами ҳолис, беғараз, беминнат бўлиши;

— педагогик жараёнда содир бўлиб турадиган зиддиятлар, низоларни маъмурий йўл билан эмас, балки ахлоқий мезонлар асосида муросага келиш йўли билан ҳал этиш;

— гуруҳ жамоасининг фикр-мулохазаларини эътиборга олиш, уларга ишонч билан караш, боланинг ҳулкига баҳо берганда унинг сабабларини, мотивларини эътиборга олиш;

— ўқитувчи ўзининг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолиятида ёмонликка, адолатсизликка, иопокликка, ҳулки бўзукликка нисбатан муросасиз эканлигини кўрсатиши;

— боланинг ишончини суиистеъмол қилмаслик, унинг қалб «сир»ларини ошқор этмаслик, олдин йўл қўйган хатоларини таъна қилмаслик;

— муаллим тарбиячи сифатида, ахлоқан пок, тажрибали инсон сифатида ўқувчиларга ахлоқий йўл-йўриқларни ўргатиши, уларда хайрли воқеалар ва далилларга ижобий муносабатни, ахлоқсизлик далилларига муросасиз бўлиш туйғусини ўстириш;

— болалар билан муомала ва муносабатларда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш, педагогик меъёрни сақлаш.

Педагогик одобнинг муҳим талабларидан бири муаллим ҳам, ота-оиа ҳам, мактаб раҳбарлари ҳам ўсмир ёшидаги болалар билан муомала қилганда педагогик меъёрни сақлаши, боланинг иззат-нафсига тегмаслигидир. Бу соҳадаги хато, баъзан, фожиага олиб келган ҳоллар ҳам учраб туради.

Ишчан педагоглар жамоасининг шаклланиши кўп жиҳатдан коллеж директорининг фаолиятига боғлиқ. коллежда ахил, ягона жамоа тузиш учун педагогларнинг ўзаро ахлоқий муносабатларини, коллежда мавжуд бўлган анъаналарни, ўқитувчиларнинг ахлоқий даражасини ўрганиш, билиш зарур. Ягона, ахил, ишчан педагоглар жамоасининг шаклланиши аста-секинлик билан амалга оширилади. Буни қуйидаги мезонлар асосида аниқлаш мумкин. Мустақил Ўзбекистон давлати кун тартибига кўяётган умумий талабларни, мақсад, вазифаларни педагоглар жамоасининг барча аъзолари ахлоқий ва рухий жиҳатдан қандай қабул қилишлари; педагоглар жамоасининг фаолиятида ижодкорлик даражаси; педагоглар жамоасида ўзаро хайрихоҳлик,

шунингдек, ҳолисона танқид ва ўз-ўзини танқид қилишнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади.

Коллеж раҳбарининг ўқитувчилар билан муомала одобида педагоглар жамоасидаги хайрихоҳлик ва ижодкорлик вазияти алоҳида аҳамият касб этади. Таълим-тарбия ишларини юкори савияга кўтариш аввало, мактаб раҳбарининг муомала одобига, ахил, иннок педагоглар жамоасини аста-секин шакллантира боришга, жамоадаги ўзаро муносабатларни ўқитувчи одоби нормалари, талаблари асосида йўналтиришга боғлиқдир. Жамоа шаклланишининг дастлабки пайтларида бу жараён умумий ва ахлоқий нормалар ва мавжуд шарт-шароитларни билиб олишдан бошланади. Бу даврда коллеж раҳбари ва педагогларнинг ҳулки, хатти-ҳаракатларида, ўзаро мослашиш содир бўлади. Коллеж директори ҳар бир муаллимнинг ижодкорлиги, алоҳида хусусиятларини, ўқитувчиларнинг билим даражасини ўрганади. Бу жараённинг тезлашуви мактаб директорининг раҳбарлик услубига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Педагогик одоб коллеж директорининг ўқитувчилар билан ўзаро муомаласи юксак ахлоқий, маданий даражада бўлишини такозо қилади. Юксак ахлоқий маданият коллеж раҳбарининг ўз ишини яхши билишни, муаллимларга ишонч билан карашни, ҳар бир ўқитувчининг фаолиятида ижобий жиҳатларни илғашни, хушмуомалаликни, биргалашиб ишлай билишни, айрим ўқитувчилар тажрибасизлиги туфайли ёки билмасдан йўл кўйган хатоларга нисбатан бардошли бўлишни; шу билан бирга ишга бе-парво қарайдиган, виждонсиз кишиларга нисбатан муросасиз бўлишни ҳам такозо қилади.

Ўқитувчиларда педагогик ва ахлоқий маданиятни тарбиялаш ҳар бир раҳбарнинг муҳим вазифаси бўлиб, бу ишни бутун педагоглар жамоасининг иштироки ва кўллаб-қувватлаши билангина бажариш мумкин. Педагогик маҳорат тугма талант талаб қиладиган алоҳида санъат эмас, балки ҳар бир киши ўрганиб, эгаллаб олиши мумкин бўлган малакадир.

Касбий педагогик ахлоқ, шахсинг ахлоқий онги сингари, ахлоқий билимларни эгаллаш асосида хосил бўлади. Ўқитувчининг касб ахлоқи унинг хиссий кечинмалари, ахлоқий идеаллар ва эътикод билан ўзвий бирликда яхлит ҳолда шаклланади. Педагогик фаолияти ва педагогик онг билан ҳамбарчас боғлиқ бўлган ахлоқий билимлар, ахлоқий хис туйғулар, ахлоқий эътикод ўқитувчи одобининг таркибий қисмларини ташкил этади.

Ахлоққа доир билимлар жамоада одамлар хулқини тартибга солувчи ахлоқий тушунчалар, тамойиллар, талаблар, қоидалардан иборат. Кишининг ахлоққа доир билимлари тўла ёки чала бўлиши мумкин. Ахлоқий билимлар ўзгарувчандир. Таълим-тарбия жараёнида, ўз-ўзини тарбиялашда айрим ахлоқий тасаввурлар, қарашлар ўзгариб туради.

Масалан, мустақиллик туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар таъсирида кишиларимизнинг ахлоққа доир тушунчалари, қарашларида қатта ўзгаришлар рўй бермоқда. Куръони Карим, Хадисларнинг ўзбек тилида чоп этилиши; Ўрта Осиёлик мутафаккирлар, давлат арбобларининг асарлари кенг кўламда нашр этилиши натижасида кишиларда, айниқса, ёшларда умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида янги ахлоқий тушунчалар, ахлоқий қарашлар, билимлар шаклланмоқда.

Ўқитувчининг педагогик одобга доир билимлари тўлалиги ва барқарорлига жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Муаллимлик касбини эгаллаётган ҳар бир йигит-қиз педагогик ахлоққа доир тушунча, қоидаларни билиб олади. Бу таълим-тарбия, педагогик амалиёт жараёнида содир бўлади, ўқитувчилик ихтисосини эгаллаш жараёнида бўлажак муаллим педагогик ахлоқий қадриятларни пухта ўзлаштиради.

Таълим-тарбия ишининг, педагогик фаолиятнинг ахлоқий асосларини тушуниш, яхшилик, адолат, масъулият каби ахлоқий қадриятларни англаш Ўзбекистонда рўй бераётган мафкуравий ўзгаришлар, умуминсоний ва миллий-ахлоқий талабларни ўзлаштириб олишга кўмаклашади. Бу жараёнда педагог ўқувчиларнинг ахлоқий тарбиячиси эканлигини англайди.

Бўлажак ўқитувчи болаларни ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, шакл ва усулларини, боланинг ахлоқий шаклланиш қонуниятларини ўрганади. Ахлоқ муаммоларига илмий ёндашувни эгаллайди. Педагогик фаолиятда ахлоқий талаб ва қонун-қоидаларни ўзлаштириш натижасида ўқитувчининг ахлоқий билимлари янада такомиллашади.

Ўқитувчига нисбатан қўйиладиган ахлоқий талаблар жамиятда ҳам мавжуд бўлган ахлоқий одатларга, педагогик бурчига мос келиши лозим. Педагогик одоб қоидаларида ўқитувчининг ўз касбдошлари, ўқувчилар, оналарга муносабати, муомаласи, унинг фаолиятига доир йўл-йўриқлар ифодаланади.

Ўқитувчи одобининг талаб ва қоидалари муайян бир вазиятда амалга оширилади. Масалан, ўқувчига бақириш, дўк уриш одобдан эмаслигини, суҳбатдошининг сўзини ўринсиз бўлмаслиги лозимлигини ҳамма билади. Лекин айрим ўқитувчилар амалда баъзан бу қоидаларни бўзадилар.

Ўқитувчида ахлоқий билимлар ҳосил бўлишининг асосий йўлларида бири умуминсоний ва миллий-ахлоқий қадриятларни билиб, англаб олишдир. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, байналмилалчилик каби асосий тамойиллар педагогик одобда ўқитувчининг фаолияти билан боғлиқ тарзда ахлоқий талабларга айланади ва муаллимнинг ҳулқини тартибга солиб туради.

Кишининг борлиқдаги нарса ва ҳодисалардан, инсонларнинг хатти-ҳаракатларидан таъсирланиши натижасида ахлоқий-рухий туйғу, ахлоқий-хиссий кечинмалар ҳосил бўлади. Ахлоқий хис-туйғу ҳар кимда турли даражада ривожланган бўлиб, ўзгарувчан хусусиятга эга. Айрим одамларда хиссиётга ўта берилувчанлик, ўзини тута олмаслик одати мавжуд. Ўзини тия билиш кишининг ахлоқий маданияти юксаклигини кўрсатади. Ўқитувчининг одоб маданияти, хис-туйғулари ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг кучли воситасидир. У болаларда ахлоқий эътиқодни ҳосил қилиш учун ҳам жуда зарур.

Маълумки, кишининг ҳулки, хатти-ҳаракатлари кўпинча билимлардан кўра ҳам хиссиёт таъсирида содир бўлади. Демак, педагогик фаолият учун ўқитувчи ўз хиссиётини бошқара билиши, хиссий туйгуларни тарбиялаши муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасида ўзаро бир-бирларини тушуниш, ўзаро ҳурмат ва ишонч вазияти мавжуд бўлиши лозим. Бундай вазиятни яратиш ўқитувчилар жамоасига, ҳар бир муаллим ишбилармонлигига боғлиқ.

Ҳулкий одатлар, ахлоқий карашлар кишининг хис-туйгуси билан чамбарчас муштарак, Хис-туйгулар хушёрликни оширади, олижаноб инсоний хатти-ҳаракатларни жонлантиради ва аксинча, муаллимнинг локайдлиги, бефаросатлиги болаларда айрим иллатлар пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам «тепса, тебранмас», «дунёни сув босса, тўпигига келмайдиган» хиссиз кишиларни ўқитувчилик, тарбиячилик ишига кўйиш тўғри эмас. Педагогика ўқув юртларига абитуриент танлашда ҳам хушёрлик хис-туйгуси мавжудлигини эътиборга олиш керак.

Ўқитувчининг ахлоқий хис-туйгулари киши маънавий оламининг муҳим соҳасини ташкил этади. Ўқитувчининг ахлоқий хис-туйгулари унинг ўз фаолиятига, таълим-тарбия ишига, педагогик жараённинг барча иштирокчилари: ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналарга нисбатан муайян ахлоқий нуқтаи назарини ифодалайди.

Ўқитувчининг ахлоқий хис-туйгулари шартли равишда икки гуруҳга бўлинади: биринчиси, муаллимнинг педагогик касбига, ўз ишига муносабатидан ҳосил бўладиган хис-туйгулар; иккинчиси, муаллимнинг ўқувчилар, касбдошлари, ота-оналарга муносабатидан ҳосил бўладиган хис-туйгулар.

Ўз ишига танкидий муносабатда бўлиш, ундан гурурланиш, завкланиш, ўз кадр-қимматини англаш каби хис-туйгулар ўқитувчининг касбий-ахлоқий қиёфасини кўрсатади. Бу айниқса, муаллимнинг жамиятга, давлатга муносабати, Ўзбекистонни севиш, унда яшайдиган турли миллат ва элат

вакилларига ҳурмат, миллий гурур, педагоглик бурчига садокат каби хис-туйгуларида намоён бўлади. Ўқитувчининг ватанпарварлик хис-туйгуси ўқувчиларни ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўз Ватани ва халқининг такцири, келажаги учун кайгуриши, жон куйдиришидан далолат беради. Ўқувчилар муаллимнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракатида Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш учун жон-дилдан ҳаракат қилаётганини хис этишлари лозим.

Ўқитувчида инсонпарварлик, байналмилалчилик хис-туйгуси кучли ривожланган бўлиши даркор. Бу туйғу Ўзбекистоннинг мустақиллик мафкурасига мос келади. Ўқувчиларда инсонпарварлик, байналмилалчилик хисларини тарбиялаб ўстириш орқали мамлакатимиз халқпарининг тинч, ҳамжиҳат бўлиб яшаши ва меҳнат қилишларига мустаҳкам замин яратилади. Бундай туйғу ўзбек халқининг қадимий маънавий-ахлоқий қадриятларининг таркибий қисми ҳамдир.

Ўқитувчининг ахлоқий нуқтаи назарини белгилайдиган муҳим хис-туйғулардан яна бири ўқитувчилик бурчини, масъулиятини хис этишдир. Бу туйғу муаллимни болаларни сидқидилдан, виждонан севишга, ўқитиш ва тарбиялаш ишини ҳалол ва ижодий бажаришга ундайди. Бундай туйғу инсон шахсини шакллантирувчи барча ижтимоий-иктисодий, ҳаётий шарт-шароитлар таъсирида ҳосил бўлади. У бадий асарларни ўқиш, ўрганиш ва муаллимнинг шахсий намунаси таъсирида ўқувчилик даврларидаёқ пайдо бўла бошлайди. Болалар «муаллим-муаллим», «мактаб-мактаб» ўйнаб, ўқитувчига таклид қиладилар. Бу кейинчалик педагоглик касбини танлашга ҳам сабаб бўлади. Педагогика ўқув юртларининг талабалари билан ўтказилган суҳбат ва ёзма иш натижалари бундан далолат беради. Ўқитувчилик бурчини юксак даражада англаш туйғуси муаллимнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиб, ҳулқини бошқариб туради. Унда масъулият хисси қанча юкори бўлса, у таълим-тарбия ишларини бажаришга шунчалик кўп куч сарфлайди, жон куйдиради, ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги ютуқларидан

кувонади. Бурч, масъулият хисси пасайса, сўнса, ўқитувчининг кўли ишга бормайди, ўқитиш сифати пасайиб кетади.

Ахлоқий хис-туйгулар инсон фаолиятининг турли соҳаларида турлича намоён бўлади. Педагогик ишда муаллим ўқувчилар билан кўпроқ мулоқот қилади. Маълумки, ўқувчи ахлоқий тарбиянинг объекти ҳисобланади. Педагогнинг уларга муносабати болаларни ҳурматлаш, севиш; уларга нисбатан талабчан ва адолатли, гамхўр ва меҳрибон бўлиш; болалар улгайиб, келажакда яхши одам бўлишига ишонч каби хис-туйгуларда кўзга ташланади.

Бўлажак ўқитувчида педагоглик касбига ва болаларга ҳурмат, муҳаббат хиссини тарбиялаш, уларни севиш туй-гусини ўстириш педагогика ўқув юртларининг муҳим вазифасидир. Педагогика ўқув юртлари бу соҳада катта имкониятларга ҳам эга.

Киши ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатларида қалб даъватига биноан катъий амал қиладиган, унинг онгидан чуқур ўрин эгаллаган ахлоқий билимлар ва қарашлар мажмуи ахлоқий эътикод ҳисобланади. Одам ҳамма вақт ҳам ўз тасаввур ва тушунчалари билимларига мос ҳаракат қилавермайди. Бунинг учун маълум бир шарт-шароитлар, эътикод керак. Агар ахлоқий билимлар кишининг эътикодига айланган бўлсагина, унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради.

Амалий идеал ахлоқий эътикоднинг асосини ташкил этади. Ўқитувчи одобида ахлоқий идеал ўқитувчи шахсининг юксак ахлоқий фазилатлари ҳақидаги ғоялар тизимидан иборат бўлиб, муаллимнинг таълим-тарбия жараёнидаги хатти-ҳаракатларини педагоглик бурчини англаш асосида тартибга солади ва ёшларни ахлоқий баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилади. Ахлоқий идеалда жамиятнинг ўқитувчига кўядиган талаблари акс этади. Бу талаблар педагоглик бурчини самарали бажариш учун зарур бўладиган ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлантиради. Ахлоқий идеалнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у муаллим эришиши лозим

бўлган мақсадни ҳам назарда тутди. Ахлоқий идеал келажакка йўналтирилган бўлади, шу билан бирга у реал борликка ҳам асосланади. Турмушдан ажралиб қолган, мавжуд ижтимоий-иктисодий шароитлар ва истикболларни эътиборга олмайдиган идеаллар инсоннинг фаолияти учун йўлланма бўла олмайди, у хомхаёл, фантазия бўлиб қолаверади.

2.3. Касб-хунар коллежларида ёш педагогларнинг касбий салоҳиятини такомиллаштириш масалалари

Касб-хунар коллежларида ёки бошқа ўқув муассасаларида турли хил даражали мутахассисларни учратиш мумкин. Улар ўз фани ва соҳаси бўйича олий мутахассис, кучли билимдон бўлиши мумкин, лекин педагогик маҳорат, яъни ўз билимини еткази олиш, тушунтира билиш, ўқитиш услуби, талабаларнинг руҳий хусусиятларини билиш, педагогик такт ва педагогик техника кабиларга эга бўлмаслиги мумкин. Педагогик маҳорат – бу педагогик фаолият муваффақиятини аниқловчи профессионал хислатлар тизимидир.

Инсон ҳаёти учун энг кучли жавобгар бўлган касб – бу педагогик касбидир. Шифокорнинг биргина хатоси бир инсон ҳаётига таъсир кўрсатади, лекин педагогнинг биргина хатоси кўплаб ёшларнинг ҳаётида салбий асрат қолдириши мумкин. Чунки у ёшларнинг онгини тўғри ривожлантириши, бўлажак шахсига хос бўлган фазилатларни таркиб топтириши, уларда умид ва ишончни уйғотиши, келажакни тўғри ташкиллаштиришдек масъулиятли вазифани бажаради.

Педагог – бу махсус тайёргарлик кўрган ва педагогик фаолият билан профессионал шуғулланадиган инсон. Нопрофессионал педагогик фаолият билан деярли ҳамма инсонлар шуғулланади, лекин айнан педагог нимани, нима учун, қандай қилиб, қаерда ва қачон бажаришни билади. У ўз касбининг мақсад-вазифалари учун кучли жавобгар. Педагог ҳар бир, ёш

авлод, жамият тақдири ва келажаги учун жавобгарлиги билан фарқланади ёки педагог меҳнатининг натижасига қараб келажак белгиланади.

Инсон ўзини танибдики, у билан бирга ўқитувчи ҳам бор. Ҳар бир инсон тақдири у билан боғлиқ, унинг қўлидан ўтган. Қадимда бу касб илоҳий саналган. Ҳозирда бу ҳаммабоп касб ҳисобланади. “Немис халқини ҳақиқий немис халқ ўқитувчилари тарбиялаган” деган эди О.Бисмарк. Ўқитувчи қандай бўлса, жамият ҳам шундай бўлади. Ўқитувчи артист, санъаткор, таълим олувчиларни ва ўз ишини севувчи, уни жондили билан бажарувчи бўлиши керак. Инсонлар ҳар доим уларга нисбатан қаттиқ талаб қўйишган.

Касб-хунар коллежларида ёш педагоглариининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Педагогик вазиятларни ўрганиш ва ўзлаштириш.
2. Педагогик мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
3. Ўқув материали мазмуни устида ишлаш
4. Ахборотларни педагогик таҳлил
5. Талабаларда ўқув ҳамда ижтимоий малака ва кўникмаларни шакллантириш.
6. Талабаларнинг руҳий функциялари ва ҳолатларини ўрганиш
7. Талабаларнинг ўқиш мотивацияларини ривожлантириш.
8. Таълим-тарбия усуллари ва шаклларидадан фойдаланишни билиш.
9. Ўз педагогик фаолиятини ривожлантириш режасини яратиш.
10. Мулоқотда психологик ҳавфсизлик шароитларини яратиш.

Ўқишга бўлган қизиқиш нафақат ўқишдаги қийинчиликларга боғлиқ, балки педагогнинг талабаларга бўлган муносабатидан ҳам келиб чиқади. (Педагог – предмет – талаба). Педагог ва талабанинг муносабатидан предметни қандай ўзлаштириш натижаси келиб чиқади. Математика ўқитувчисини ёқтирмаган таълим олувчи математика фанини ҳеч қачон самарали ўзлаштиролмайди. Адабиёт ўқитувчисини тушунмай туриб санъатни севиб бўлмайди. Ўқитиш жараёнида эмоционаллик ва ҳиссиётлар

хам муҳим. Бу билан илмни тўлдириб бўлмайди, лекин унинг ёрдамида осон, тушунарли ва тез идрок қилинадиган жараёни яратиш мумкин.

Педагогик мулоқот педагогик жараёнда ўз вазифалари ва ролларини бажаради. Педагогик мулоқот ва бошқариш усуллари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлиги ва шахс ривожланишини белгилайди.

Авторитар усул. Бу усул каттиққуллик, ўта талабчанлик, мажбурлаш билан бошқариш ва назорат дан иборат. Буйруқ, кўрсатма бериш, жазолаш ва огоҳлантиришдан фойдаланилади. Талабаларга, уларнинг мустақил фаолиятига, масъулиятига ишончсизлик билан ифодаланади. Авторитар педагог ҳар бир ташаббусни ўзбошимчалик деб ҳисоблаб, уни қатъий инкор этади. Чунки ташаббус ва мустақиллик унинг авторитетига ва ўзига нисбатан ишончига салбий таъсир қилади. Бу усул талабада кўрқув, иродасизлик, қатъиятсизлик, ҳимоясизлик ҳиссини ва ўзига паст баҳо беришни келтириб чиқаради. Педагог ўз обрў-эътиборини жуда юқори тутаяди, талабалардан ўзоқроқ бўлишга интилади (ўзаро муносабатда дистанция сақлайди). У талабаларга таъсир керак бўлган объект сифатида қарайди. Талабаларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилади. Ўз ҳуқуқларидан кучли фойдаланган ҳолда вазиятларни ўзи ҳал қилади, ўзи қарор чиқаради ва фаолиятни ўзи белгилайди. Бунда талабаларнинг бор кучи, диққат-эътибори билим эгаллаб, ривожланишга эмас, балки ўзини психологик ҳимоя га қаратилади. Мулоқотда талабаларни танлайди, уларнинг билими ва ютуқларини паст баҳолашга мойил. Бу билан у таълим-тарбия мақсадларига эришмоқчи бўлади, лекин бунинг акси бўлиб, талабаларда ўзига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлади, фақат педагог назорати ва талаби остидагина фаоллашадилар. Бу усулнинг биргина афзаллиги тартиб ва масъулият (мажбурият остида бўлса ҳам) юзага келишидир.

Демократик усул. Педагог талаба билан мулоқотда талабага тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида қарайди. Гуруҳ билан биргаликда ишлайди. Талабалар билан мулоқотда ҳаммага тенг, уларни кучли ва кучсизларга

ажратмайди. Талабаларнинг мустақил фикри ва фаолиятини, ташаббусини ривожлантиради ва рағбатлантиради. Талабанинг фақат ўзлаштиришини эмас, балки унинг шахси, руҳий ҳолати, фаолияти, индивидуал сифатларини ҳам инобатга олади. Бу усулнинг асосий хусусияти – гуруҳнинг фаол иштироки, ўзаро ёрдам ва умумий ютуқлардан фахрланишга имконият яратилади. Бу усул талабаларда психологик қониқиш ҳиссини, ўз кадр-қиммати ва ўзига нисбатан ишонч туйғусини қилади. Натижада ўқув фаолиятига бўлган ички ижобий мотивация, қизиқиш ва масъулият ривожланади.

Либерал усул. Педагог педагогик жараён учун жавобгарлик ва масъулиятдан қочади. Ўта бепарволик, кечирувчанлик, кўнгилчанлик, қатъиятсизлик ва иккиланишни намоён қилади. Талабаларга ўта эркинлик ва мустақиллик муҳитини яратиб беради. Уларнинг истак-хоҳишларига берилади, ўзи фаоллик кўрсатмайди. Асосий ўқув фаолиятини амалга оширишни, қарор чиқаришни талабалар ихтиёрига қўйиб беради. Педагог гуруҳни бирлаштиролмайди, ички низоларни бартараф этолмайди. Натижада гуруҳда тартибсизлик, дангасалик, фаолиятсизлик ва масъулиятсизлик келиб чиқади. Ўқув вазифалари кам бажарилади, сифат ва натижа қониқарсиз бўлади. Бу усул мустақил ривожланиш малакаси мавжуд талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда қўл келади. Шу сабабли бу усулни гуруҳга нисбатан эмас, балки айрим талабалар шахсига нисбатан қўллаш лозим.

Бу усулларнинг барчаси ўз афзаллик ва камчиликларига эга. Шунинг учун улардан ўз вақтида, талабанинг шахсий-индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, шароит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогнинг жавобгарлиги жуда юқори, шу сабабли педагогик фаолият билан қобилиятли ва иқтидорли инсонларгина шуғулланиши лозим. Мутахассисларнинг айтишича, қобилиятнинг мавжуд эмаслигини бошқа

муҳим сифатлар – меҳнатсеварлик, ўз ишига масъулият, ўз устида доимий ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва фаоллик билан тўлдириш мумкин. Шунинг учун педагогнинг муҳим профессионал сифатлари – меҳнатсеварлик, ишга лаёқат, тартиблилик, масъулият, жавобгарлик, катъиятлик, ўз меҳнат сифатини доимий ошириб боришга интилиш ва ҳақозолардир.

Касб-ҳунар коллежларида ёш педагогга қўйиладиган биринчи талаб - бу педагогик қобилиятларнинг мавжуд бўлишидир. Ушбу қобилиятлар сафига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ташкилотчилик қобилияти – талабаларни бирлаштириш, вазифалар билан банд , жавобгарликни тақсимлаш, умумий топшириқлар бажаришда кўринадди.
2. Дидактик қобилияти – ўқув материални, кўргазмаларни танлаш ва тайёрлаш, талабаларнинг билишга нисбатан қизиқиш ва эҳтиёжларини рағбатлантириш, ўқув фаоллигини оширишда намоён бўлади.
3. Перцептив қобилияти – талабанинг маънавий дунёсига кира олиш, руҳий-эмоционал ҳолатини аниқлаш ва объектив баҳолай олиш, педагогик интуиция ва эмпатияда кўринадди.
4. Коммуникатив қобилияти – талабалар, ҳамкасблар ва раҳбарият билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабат ўрнатиш, мулоқотга тез киришиш, экстровеертликда намоён бўлади.
5. Суггестив қобилияти – талабаларга эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш, уларни ўз имкониятларига ишонтира олишда кўринадди.
6. Илмий-тадқиқотчилик қобилияти – педагогик вазият ва жараёнларни ўрганиш ва баҳолаш малакалари тушунилади.
7. Нутқ қобилияти – аниқ ва ишончли, эмоцияли, маданиятли, луғатий жиҳатдан бой нутқ техникасига эга бўлиш.

Ўқув-тарбиявий жараёнда педагогнинг инсоний хислатлари алоҳида муҳимлик касб этади. Бу хислатлар қаторига инсонийлик, адолатлилик,

меҳрибонлик, сабр-бардош, тўғрилиқ, ҳақиқатгўйлик, жавобгарлик, адолатлилик, мажбурийлик, объективлик, саҳийлик, инсонларга бўлган муҳаббат, ҳурмат, юқори маънавиятлилик, оптимизм, эмоционал вазминлик, мулоқотга бўлган эҳтиёж, тарбияланувчилар ҳаётига бўлган қизиқиш, олижаноблик, ўз-ўзини танқид, дўстсеварлик, вазминлик, кадр-қиммат, ватанпарварлик, диний эътиқод, принципиаллик, эмоционал маданият ва бошқалар киради (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал⁵

Мукамал педагог		
Мутахассис	Ишчи-ходим	Инсон
<ul style="list-style-type: none"> • Педагогик назарияни, қонуниятларни билиш • Таълим жараёнининг психологик хусусиятларини билиш • Таълим-тарбия технологияларини эгаллаш • Касбига ва соҳасига бўлган муҳаббат • Талабаларга бўлган муҳаббат ва ишонч • Педагогик маҳорат ва қобилиятга эга бўлиш • Умумий эрудиция • Оптимизм • Тез ва аниқ таъсир кўрсата олиш • Эмоционал вазминлик, босиқлик • Ишбилармонлик • Нутқининг аниқ ва ишончли бўлиши • Талабчанлик • Ташкилий малакалар • Мулоқот ўрната олиш • Эшитиш малакаси 	<ul style="list-style-type: none"> • Аниқ мақсад кўйиш ва унга эришиш малакаси • Вақтни тақсимлай олиш малакаси • Меҳнат самарасини оширишга бўлган эҳтиёж • Ижод қила олиш қобилияти • Доимий равишда малака ошириш • Ишга, меҳнатга ва фаолиятга бўлган эҳтиёж • Жамоада ишлай олиш малакаси • Қатъиятлилик • Интизомлилик • Масъулият • Фаоллик • Жавобгарлик • Тетиклик 	<ul style="list-style-type: none"> • Юқори маънавий сифатларга эга бўлиш • Ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш • Фаол ҳаётини нуктаи-назарга эга бўлиш • Ҳаммага ва ҳамма нарсада намуна бўлиш • Миллий ғурур • Соғлом турмуш тарзи • Инсонийлик ва инсонпарварлик • Диний эътиқод • Мулоқотга бўлган эҳтиёж • Самимийлик • Ўз ларига объектив танқидий муносабатда бўлиш

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Инсон ташқи кўриниши нималарни билдириши хусусида муайян коидалар мавжуд. Уларни ўрганиш асосида яхши натижаларга эришиш мумкин. Масалан қовуштирилган кўллар рад жавобини англатади, деб ҳисобланади. Бироқ ҳамма вақт ҳам бундай эмас. Бу, албатта, рад жавобининг аломати бўлиши мумкин. Лекин у суҳбатдошнинг тортинчоқлиги ёки ўзига ишонмаслигини ҳам билдириши мумкин. Шунинг учун ҳам бу ерда ҳар доим амал қиладиган мутлоқ қоида бўлмайди. Бироқ мунозара, сиз қатор белгиларга кўра, сиз суҳбатдошингиз нима ҳақида ўйлаётганини билиб олишингиз мумкин. Мазкур соҳа эксперти Сэми Маино ҳеч нарса тасодифий бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ҳар бир хатти- ўз асосига эга бўлади.

Тарбия саънати-бу қадимги ва мураккаб соҳалардан биридир. Лекин фавқулотда оддий ва соддалик билан; ўқитувчини қандай бўлса ўшандоғлигича қабул ва яхши кўриши билан бошланади.

Агар дарс шунчаки иш эмас, муомала, дарс машғулоти эмас, санъат, дарс жадвалидаги соатлар эмас-ҳаёт деб қаралса, унда ўзингиздан тез-тез сўранг, дарсга нима учун бораяпман? Биз болаларнинг олдига бораяпмиз! Мақсад улар биздан кўра адолатли, яхши шафқатлироқ бўлсин, орқага тисарилмасдан, олға юриб, ҳар қандай боши бировнинг енгил турмушига ҳасад қилмасдан ҳар бир киши ўз тақдири билан яшасин, деб ўзингизга машаққатли ва ўткир саволлар беринг. Болаларга қандай фикр қолдирдингиз? Улар сиз учун одамларми ёки ўқувчиларми? Улар сизнинг сўзларингни тинглаб нималар ҳақида ўйлашди? Балким ҳеч нарса ўйламасдан, ўзларини шунчаки эшитгандек қилиб кўрсатишгандир? Ёки дарсда билмаган нарса тўғрисида ўйлаганлар? Ҳар қандай ўқувчи икки дастур бўйича ўқийди. Дастўрни назарда тутинг ва ёритинг. Дарсга бориш-ким бўлишидан қаътий назар, ўқувчими ота-онасими, дўстларими, ёзувчими, асар қаҳрамоними-бу инсон қалбига йўл топиш демақдир.

Тажрибали педагоглар дарсларни қандай олиб боришларини кўзатиш ва ўз дарсингизда улардан ўрганиш. Бизнинг ишимизда, худди санъатдаги каби ютуғингизни, ҳозирги ўзингиз билан тез-тез таққослаб тўринг. Ўзингизнинг ҳар бир ютуғингизни майли бошқалар илғамайдиган зарчасини ҳам ёзиб қўйинг. Ундан маълум қонуният топинг ва билингки: ўқитувчи бутун маҳоратини ёрқин намоен қиладиган дарс бўлмайди. Ҳар биримиз қилаётган ишимизга қараганда мукамалроқ, кучлироқмиз ва бу ҳали ишлатилмиган имкониятларимиздир. Аммо турли услублар педагогга бўлган урта талабнинг шахсийлик, замонавийлик, артистликнинг бирлиги билан боғлиқдир.

Биздаги асосий нарса-дарс. Дарс яхши ўтмаса ўқитувчи ҳам ўқитувчи эмас. Ўқув муассасаларида уйига бориш учун дарсга қараганда тайёрланиш керак деган “ҳикматли сўзга ишонманг, агар ҳар бир дарсга эътибор ва илҳом билан яхшилаб тайёрланса, талабаларнинг уйларига боришнинг ҳожати йўқ”.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда ватанимиз ва жамият учун ижодий фикрлай оладиган, ватанпарвар ва ўз соҳасини билимдони бўлган етук мутахассислар зарур бўлмоқда. Айниқса, мутахассисдан ўз касбининг маҳоратли устози бўлиш талаб этилади.

Ёш педагог ўзининг қарашларини назарий баҳслар билан эмас, балки дарс билан тасдиқлаш керак, унда етук мутахассис бўлиши учун учта талаб - шахсийлик, замонавийлик, актиёрликнинг бирлиги билан боғлиқ фазилатлар шаклланиши лозим.

Касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ёш педагогларнинг касбий салоҳиятларини шакллантириш ва такомиллаштириш, узлуксиз таълим тизимидаги ислоҳотларни рўйёбга чиқаришда ва комил инсонни тарбиялашда беҳад муҳимдир. Шу сабабли ушбу масаланинг ечимини ижобий ҳал қилиш бугунги кун тартибида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бизнингча, касб-ҳунар коллежларида ёш ўқитувчилар касбий салоҳиятларини оширишларида қуйидаги тавсияларга амал қилишлари зарур:

- Ташкилий дақиқада ўқувчиларнинг тайёргарликларини синчиклаб кузатиш дарс машғулотдан кўзланган мақсадни аниқ ва равшан қилиб уқтириш билан бошланиши, агар дарс янги материални баёнига қаратилган бўлса, унинг мавзуси айтилиши, дарсда режада мўлжалланган материал ўтиб бўлингач, у албатта яқунланиши зарур. Таълим тизимида ёш авлодга таълим бериш методларини таҳлил этишга баҳоли қудрат қилиниши керак;
- Ҳақиқий ўқитувчи ҳар бир талабани билиши, руҳиятини тушуниши, унинг онгига йўл топа олиши, фикр уйғотиб, уни тўлқинлантириши даркор;
- Бугунги кунда ёш педагогларни юксак маънавий ғоя ва миллий урф одат, анъаналар асосида тарбиялаш долзарб масалага айланган. Юксак маънавий ғоя ва урф-одатлар кўлами ниҳоятда кенг ва серқирра бўлиб, улардан энг муҳимлари: иймонлилик, ватанни севиш, инсонпарварлик, дўстлик, ўртоқлик, биродарлик, онгли интизом, ижтимоий фаоллик, халол меҳнат,

оила, давлат ва жамият олдидаги бурчни англаш, тинч тотув яшаш учун курашиш, хурфикрлилик кабилар киради;

➤ Касб-хунар коллежларида ёш педагогларни таълим-тарбия беришда ва педагог шахсини шакллантиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор беришга йўналтириш зарур:

- Педагогик жараён иштирокчилари ўртасида тўғри услубдаги муносабатларга амал қилиш.
- Ўқишида қийинчиликлар содир бўлган талабаларни рағбатлантириш;
- Ижобий қайтувчан алоқани ушлаб туриш;
- Ўқув материални турли хил услублар билан тушунтириш тўғрисида қайғуриш.
- Талабаларни астойдил ўқишга ўргатиш, уларда тиришқоқликни, кучли иродани, мақсадга интилувчанликни тарбиялаш;
- Ниҳоятда қийин топшириқларнинг ҳал этилишини рағбатлантириш;
- Мақсад, вазифа, ҳисобот шакли, баҳолаш мезонини аниқ белгилашга ўргатиш;
- Бурч ва жавобгарлик ҳиссини шакллантириш;
- Энг аввало, ўзига талабчан бўлишга ўргатиш;
- Болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- Берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- Таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- Талабаларнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш.;
- Фанга қизиқтира олиш;
- Берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- Билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш ва ҳақозо;

Мазкур келтирилган хислатларни касб-хунар таълимида фаолиятини бошлаган ёш педагог ходимларда шакллантириш орқали юксак натижаларга эришиш мумкин педагог кадрлар фаолиятини такомиллаштиришдек муҳим масалаларни ҳал этиш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. Олий таълим меъёрий ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, “Шарқ”, 2001. – Б. 19-21-29.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий нашри”, 2012. 114 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.-Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2016. 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.-Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. 104 б.

III. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари

1. И.А. Каримов “Баркамол авлод йили” давлат дастури - Т. Ўзбекистон, 2010.
2. И.А. Каримов Юксак малакали кадрлар – тараққиёт манбаи. Т. Ўзбекистон, 1996
3. И.А. Каримов Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т. Ўзбекистон, 1998

VI. Китоб ва рисолалар

1. Курбонов Ш.ва бошқалар ."Баркамол авлод орзуси" Т. 1999 йил.
2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т. 2003
6. Мирзаева Ш.Р. Ўқитиш услубияти ва педагогик технологиялар.Т 2007.
3. Мавлонова Р., Тураева О., Ҳоликбердиев К. Педагогика. Т. 2001.
4. Гайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматкулова Р., Тошмуродова К. Педагогика. Т. 2000.
5. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши. 2000.
6. ТошДавТИ – Янги педагогик технологиялар. Т. 2002.
7. Саидахмедов Н. Ва б. Янги педагогик технология моҳияти ва замонавий психологияси. Т. 1999.
8. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. Т. Фан. 2000
- 9.Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. ТДПУ. Т. 2004 .
- 10.Ж.Г.Йўлдошев, С. А. Усмонов. Педагогик технология асослари. Т.Ўқитувчи. 2004.
11. Мамедов К. ва б. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.2003
12. Фарберман. Б. Л. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.Т. 2002
- 13.У.Толипов , М. Усмонбоева «Педагогик технология» назария ва амалиёт Т. «Фан» 2005 й.
- 14.Фозилов И.,Султонов Р,Саидов Х. Ўқитувчи маънавиятини шакллантириш Т. . «Ўқитувчи» 2000 й.
- 15.О.Хасанова, Ж.Хасанбоева, Х.Ҳамидов. Педагогика тарихи. Т.Ўқитувчи 1997 й.

V. Интернет маълумотлари

- 1.WWW.Ziyonet.
- 2.Pedagog.uz.